

*Судьяниң онгода - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджсан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

① Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллэзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-й
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliv@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишига 2020 йил 17 июнда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьтерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –25. Нашр адади 5580 нусха.

Навбатчи мухаррир
Муталиф СОДИКОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташиклотлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-дача, 17-үй

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Рузиқулов. Прокурор ва адвокатнинг жиноят процессида иштироки.....3

МУНОСАБАТ

М. Очилова. Судлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги.....8

НУҚТАИ НАЗАР

М. Хайтов. Ўзбекистонда маъмурий судлар.....11

МУЛОҲАЗА

Н. Акбаров. Иш юритишни тугатишнинг айрим жиҳатлари.....15

МАЪМУРИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН

Х. Рахимов. Даилилларни талаб қилиб олиш.....17

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИНГ АЙРим МАСАЛАЛАРИ

Д. Махмудов. Суғуртанинг молиявий хизматлар тизимида ўрни.....19

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ

М.Саидов. Корпоратив низолар бўйича судга тааллуқлиликнинг айрим масалалари.....22

ФАОЛИЯТ

Ш. Мирзаев. Ишчанлик обрўсини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.....27

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Б. Муминов. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида суд назорати.....29

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ВА ИЖРО

Х. Қурбонова. Суд қарори асосида уйга киритиш.....32

С. Акбаров. Фуқаролик судларида давлат божини ундириш.....35

Г. Холматова. Ундирувни қарздорнинг гаров мулкига қаратиш бўйича суд амалиёти....37

МУАММО ВА ЕЧИМ

М. Зиядуллаев. Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимида пенсия таъминотининг роли ва аҳамияти.....40

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

М. Сафаров. Ташки меҳнат миграциясини бошқариш: хориж тажрибаси ва Ўзбекистондаги саъй-ҳаракатлар.....42

ҚУТЛАЙМИЗ!.....46

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79



ПРОКУРОР ВА АДВОКАТНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОКИ

Ҳар бир хуқуқ соҳасида айнан ўша муносабатларга киришувчи иштирокчилар бўлади. Бироқ, хуқуқ соҳаларида иштирокчилар ўзига хос хуқуқий мақомга эга бўлиб, улар турлича номланади.

Жиноят процессининг ҳар бир иштирокчиси ўзига хос функция, яъни ўз фаолият йўналишини ифода этувчи хизмат бурчини ўтайди. Ушбу функцияларнинг хусусияти процессининг мазкур иштирокчилари бажаридиган вазифаларга ва уларнинг муҳофаза килинадиган манфаатларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, жиноят судлов ишларини юритиш иштирокчилари қуидагича таснифланган:

1. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: а) суд; б) прокурор; в) терговчи; г) тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари; д) суриштирув органлари; е) терговга қадар текширув органлари;

2. Жиноят процессида ўз моддий, маънавий ва шахсий манфаатларини ҳимоя қиладиган иштирокчилар: а) айланувчи; б) гумон қилинувчи; в) жабрланувчи; г) фуқаровий даъвогар; д) фуқаровий жавобгар;

3. Ўзгалар манфаатини ҳимоя қиладиган иштирокчилар: а) ҳимоячи; б) гувоҳ адвати; в) қонуний вакил; г) вакиллар;

4. Жамоатчилик номидан иштирок этувчи: а) жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари; б) жамоат айловчилари; в) жамоат ҳимоячилари;

5. Одил судлов ишларини амалга оширишга ёрдам берувчи иштирокчилар: а) гу-

воҳ; б) эксперт; в) таржимон; г) холис; д) мутахассис; е) суд мажлиси котиби.

Умуман олганда, жиноят процесси иштирокчилари ўз ваколат доираларида жиноят ишлари юритуви фаолиятининг аниқ ва ўз вақтида бажарилишига хизмат киладилар.

Одил судлов жараёнининг тарафлари сифатида айлов тараф – прокурор ҳамда ҳимоя тараф – адвокат эътироф этилади. Негаки, бу икки иштирокчининг асосий вазифаси суд жараёнида тортишув тамойилини ишга солиб, ишнинг пировард натижасини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Прокурор Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида кўрсатилган қоидаларга биноан жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи органлар устидан прокурор назоратини таъминлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу вазифа прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 382-моддасига мувофиқ прокурор терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан қонуларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз ваколати доирасида:

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ишларини олиб борилишига доир хужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза

ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун таъблари қай даражада ижро этилаётганлиги ни ҳар ойда камида бир марта текширади;

терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қиласди;

жиноятларни тергов қилиш, қамоқ ёки уй қамоғи эҳтиёт чораси ҳамда лавозимдан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбуровлар чораларини қўллаш юзасидан, шунингдек мурдани экслумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш каби тергов ҳаракатларига рухсат беришни сўраб илтимосно ма қўзгатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтуб ўтказиш, олиб қўйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишини топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлик амалга оширади;

жиноят-процессуал қонунда белгилangan тартибда тергов юритиш муддатини узайтиради;

ишларни дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисида ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай ишни суриштирув органларидан олиб терговчига беради, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказади;

терговчини, агар у ишнинг тергов чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади. Прокурорнинг

Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибга мувофиқ дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзгатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган барча кўрсатмаларини бажариш мажбурийдир.

Процессуал ва тергов ҳаракатлари устидан прокурорлик назоратининг вазифаларини қуйидаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш мумкин:

жиноят содир этишда гумон қилинган шахслар фақат қонунда кўрсатилган тартиб ва асослардагина ушланиши лозим;

ҳеч ким ноконуний ва асосланмаган рашида жиноий жавобгарликка тортилиши ва ҳуқуқлари чекланмаслиги керак;

ҳеч бир шахс суднинг ажримисиз қамоққа олиниши мумкин эмас;

жиноят иши қўзғатишининг ва тергов олиб боришнинг қонунда кўрсатилган тартиби, унинг муддатларига риоя этиш ва процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг ҳимоясига эътибор қаратиши шарт;

ҳар бир жиноят иши Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган меъёларга асосан барча шароитлар ҳисобга олиниб, ҳар томонлама, тўла ва холисона, айланувчининг айблилиги ва айбизлигини исбот қиласидиган, айбни оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган барча ҳолатлар аниқланиб, тергов қилиниши шарт;

садир этилган жиноятнинг сабаблари, уни содир этишга замин тайёрлаган шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

Прокурорнинг суддаги иштироки судга далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона таҳлил этишга, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айбли ёки айбиз эканлигини исботлашга, содир этилган жиноятнинг тўғри малакаланишига, шахсга нисбатан адолатли жазо тайинланиши ёки унинг жазодан озод қилинишига ёрдам беради.

Прокурор жиноят ишлари бўйича судларда иштирок этиб, ўз вақолатлари доирасида:

судьянинг жиноят ишини суд мухокамасига тайёрлаш тўғрисидаги қарорининг

қонунийлигига эътибор беради;
судда давлат айловини қўллаб-куватлади;
суд мухокамаси даврида юзага келган масалалар юзасидан ўз фикр ва хulosаларини беради;
агар давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялаш талаб этилса, дэвволар келтиради ва уларни судда ҳимоя қиласди;

суднинг асосланмаган ва ноқонуний қарорлари, ажримлари устидан протест келтиради;

протест ёки шикоятлар бўйича кўрилаётган апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига ўз хulosаларини тақдим этади;

судларнинг ҳукм, қарор ва ажримларининг қонунийлиги ва муддатларини текширади;

судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради;

ҳукм, ажрим ва қарорлар қонун томонидан назорат тартибида қайта кўриб чиқиладиган ҳолатларда, янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят иши қайта тикланадиган ҳолларда керакли чораларни кўради.

Прокурорнинг суд мухокамасидаги айлов нутқи қуидаги элементларни ўз ичига олади:

жиноятга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-психологик баҳо бериш;

ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилиш;

далилларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

қилмишга берилган юридик квалификацияни асослаш;

судланувчининг шахсини тавсифлаш;

айбдорнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

жиноятларни содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини таклиф қилиш, тайинланиши лозим бўлган жазо-

га, ундирилиши лозим бўлган фуқаролик даъвосига, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундиришга ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан ўз фикрини билдириш.

Прокурор, албатта, ҳар қандай жиноят иши бўйича шу кўрсатилган тартибида айлов нутқини тузиши шарт эмас. Жиноят ишининг ўзига хос хусусиятларига, жиноят иши бўйича тўпланган материалларнинг тузилишига қараб айлов нутқининг қайд этилган элементлари мазмуни ва бутун ҳажми аниқ воқеа ҳолатлари таъсирида ўзгариши мумкин¹.

Лекин, прокурорнинг давлат айловини қўллаб-куватлаш фаолияти асосан суд жараёнида намоён бўлади. Апелляция, кассация ва назорат тартибида суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганигини текшириш босқичида иш юритилишида прокурор марказий ўринлардан бирини эгаллади. Зоро, у жиноят процессининг иштирокчи-си сифатида ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция судларининг қарорлари, ажримлари устидан келтирган протестлари ишнинг юқори инстанция судларида кўрилишига сабаб бўлади. Юқори инстанция судларида ҳам прокурор асосан давлат айловини ва ўзи келтирган протестнинг қонунийлигини асослаб бериши лозим.

Холоса қилиб айтганда, прокурор жиноят процессининг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, факат у жиноят иш юритувининг барча босқичларида, яъни жиноят ишини қўзғатиш босқичидан то суд ҳукми кучга кириб, ижрога қаратилгунга қадар иштирок этади. Шу билан бирга унинг процессуал ҳолати ҳам турли босқичларда турлича кўринишга эга бўлади.

Ҳимоячи жиноят процессида қонунда кўрсатилган тартибида гумон қилинувчи, айланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга шахсдир.

Жиноят ишлари юритувида ҳимоячининг процессуал мақомини таҳлил қилишда 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати

билин Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимишчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самараадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5441-сонли Фармонининг аҳамиятини эътироф этиб, мазкур нормалар билан адвокатнинг процессуал ваколати ва мақоми янада оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган маҳсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вактида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши; адвокат ўз професионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компььютер, мобиЛЬ ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз, ёпиқ суд мажлисидан ташқари, олиб кириш ҳуқуқига эга эканлиги (суд биноси ичкарисида фойдаланишда суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаган ҳолда); адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа хужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шартлиги; адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вактида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлиқда айбор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши шулар жумласидандир.

Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг мазмуни қўйидагилардан иборат:

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят процессининг иштирокчиси сифатида процессуал ҳуқуқлар доирасига эга бўлиб, уларга қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун ўзини-ўзи, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя этишга имкон беради;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши, ҳимоячининг иштироки зарур бўлган баъзи ҳолларда бу ёрдамни қонун асосида бевосита олиши мумкин;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи га унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга мажбур бўлиб, уларга ҳимояланиш манфаатларини, шахсий ҳуқуқ ва моддий ҳуқукини идора қилиши учун шароитлар яратиб беришлари лозим;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахснинг шахсий ва моддий ҳуқукларини муҳофаза қилиш, уларни таъминлаш борасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зарурият бўлмаса, унинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни овоза қилмаслик, ушбу шахсларнинг қадр-қиммати ва шаънига қарши, саломатлигига хавф туғдирадиган харакатлар қилмаслик, уларнинг вояга етмаган ва ёлғиз қолган болаларига нисбатан ҳомийликни ўрнатиш бўйича тегишли чораларни кўриш, ушбу шахсларнинг мулки ва турар жойини сақлаш чораларини, ушбу шахсларнинг қариндошлари билан дастлабки тергов тамом бўлганда учраштириш юқлатилган.

Одатда ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар иштирок этадилар. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, тергов-

чининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хulosага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт, деб топишга ҳақлидир².

Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасига биноан ҳимоячи гумонни ёки айбини рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларини қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўскинлик қиласлиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида шартнома тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимояга ҳақли ҳисобланади ва бу вазифани бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

Айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш деганда, айблов асоссизлиги муносабати билан жиноят ишини бекор қилишга эришиш; иш ҳолатларига биноан жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида жиноят ишнинг малакаланиши (квалификация)ни ўзгартиришга эришиш; тегишли асос бўлган ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки

ўзгартиришга эришиш; жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга уриниш ва бошқалардан иборат турли процессуал ҳаракатлар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айбсиз шахсни судлаш ёки жавобгарликка тортилишини бартараф қилиш, адолатсиз тарзда оғир жазо белгиланишининг олдини олиш, барча енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуасини ҳисобга олишни ўз ичига олади.

Ҳимоячининг мустақиллиги у умуман ҳимоясидаги шахснинг ихтиёри ва талаблари билан ҳисоблашмасдан фаолият кўрсатиши лозим, деган маънони англатмайди.

Ҳимоячи айбланувчининг ноқонуний уринишларига эргашмаслиги лозим, лекин у ўз ҳимоясидаги шахснинг қонун билан асосланган талабларини ҳисобга олиши шарт ва бу маънода ҳимоячининг мустақиллиги нисбийдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни нормалари, аввало, адвокатдан ахлоқий софлик, қонунларга аниқ ва оғишмай амал қилишнинг наmunаси бўлишни талаб этади.

Адвокатнинг касбий бурчи унга иш бўйича барча далилларни объектив, ҳар томонлама ва сидқидилдан таҳлил қилиш ва баҳо бериш, фактларни атайлаб бузуб кўрсатмаслик, суд ва терговни чалғитишига уринмаслик, текширилаётган ҳодисаларга қонунийлик ва ахлоқ позициясидан туриб баҳо бериш мажбуриятини юклайди. Ҳимоячи ҳақиқий, ўзига маълум бўлган далиллардан фойдаланиши ёки унга маълум бўлган фактларга зид келувчи ишдаги маълумотларни қўллаши мумкин эмас.

**А. РУЗИҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Навоий вилоят суди раиси**

¹ Г.З.Тўлаганова ва С.М.Рахмоновларнинг умумий таҳрири остида. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик.–Т.: ТДЮУ, 2017. – 91-б.

² Г.З.Тўлаганова ва С.М.Рахмоновларнинг умумий таҳрири остида. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик.–Т.: ТДЮУ, 2017. – 112-б.

СУДЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Сўнгти йилларда кенг кўламли ва моҳиятнан чуқур суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида мамлакатимиз суд ҳокимияти ривожланишининг мутлақо янги даври бошланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар том маънода юксак даражага кўтарилиди. Унинг хукукий асосларини такомиллаштириш юзасидан Конституциямизга суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бир қатор моддалари янги нормалар билан бойитилди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар суд тизимини тубдан тақомиллаштириш, фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий хукукини таъминлашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва очиқлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги «Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш хукукини таъминлаш тўғрисида»ги 4-сонли қарори фикримизнинг яққол далилидир.

Қарор 31-бандан иборат бўлиб, унинг мақсади суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш хукукини таъминлаш тўғрисида»ги 4-сонли қарори фикримизнинг яққол далилидир.

«Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Мазкур Қонун талабига биноан, юқорида қайд қилинган Пленум қарорида суд муҳокамасининг ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда хукукий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ушбу Қарорда судлар фаолиятига доир ахборотни олиш хукукини фуқароларнинг тили, жинсий, ирқий, миллий мансублиги, диний, ижтимоий келиб чиқиши, эътиоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб чеклашга йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида «Судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибашга йўл қўйилмайди ва бундай аралашибаш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади», деб кўрсатилган.

Конституциянинг мазкур талабига биноан суд муҳокамасининг ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибашга олиб келмаслиги лозим.

Қарорда тушунтирилишича, оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд мухокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас.

Судья суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

Суд мухокамасининг ошкоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланади.

Очиқ суд мажлисларини процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар қатнашишини истисно этадиган биноларда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Очиқ суд мажлисида процесс иштирокчиси бўлмаган вояга етмаганлар ҳозир бўлишига фақат тегишли процессуал қонун талабини инобатга олган ҳолда йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инобатга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга қўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Процесс иштирокчиси деганда, жиноят-процессуал қонунчилигига биноан мухокама қилиш учун тайинланган ишда иштирок этувчи прокурор, химоячи, жамоат айловчиси, жамоат химоячиси, шунингдек судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунилади.

Шунингдек, Қарорда иш мухокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқариб, унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиласидаги аниқ ҳолатлар кўрсатилиши кераклиги, иш ёпиқ суд мажлисида мухокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма

учун очиқ бўлиши лозимлиги, иш мухокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши ҳақида суд мажлиси баённомасида ва иш бўйича қабул қилинган суд хужжатининг кириш қисмида ҳам кўрсатилади, деб тушунтириш берилган.

Иш мухокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги ажрим эълон қилингунга қадар процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиши мумкин эмас. Иш мухокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги қарор ишни суд мухокамасига тайинлаш чоғида қабул қилинган ҳолларда, процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига киритилмайди.

Агар суд томонидан жиноят ишининг муайян қисми ёпиқ суд мажлисида мухокама қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинса, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисининг шу қисмiga киритилмайди.

Қарорнинг 14-бандида қонунга қўра, очиқ суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга фуқаролик ишини кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида – суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан йўл қўйилиши, 16-бандининг иккинчи хатбошисида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига улар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этган тақдирда киритилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ суд мажлисида

қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши ман этилади ва бундай ҳолат процессуал қонун бузилиши деб ҳисобланади ва қонунда белгиланган жа-вобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мазкур қарорда тушунтирилишича, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умум-фойдаланиш учун очиқ ҳисобланади, ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно.

Фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборотга, жумладан, қуйидагилар киради:

Фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборотга давлат сирларига доир (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 3, 5-моддалари);

қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси);

шифокорлик сирига доир (Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 19-моддаси);

қонунга асосан фойдаланиши чекланган бошқа ахборотлар киради.

Суд ахборотнинг муайян қисми фойдаланиш учун чекланганигини сабаб қилиб, талаб этилган ахборотни беришини рад қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ахборотнинг фойдаланиш учун очиқ қисми тақдим этилади.

Қарорда берилган тушунтиришга биноан судлар фаолиятига доир маълумотлар фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат кўринишидаги мурожаатига асосан тақдим этилиши мумкин.

Бундан ташқари, судлар фаолиятига доир ахборот оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатилади.

Қонуний кучга кирган суд қарорлари матни суднинг расмий веб-сайтида эгасизлаштирилган ҳолда ёки процесс иштирокчилари розилиги билан тўлиқ эълон қилиниши мумкин.

Судларда уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишни таъминловчи қонунга зид бўлмаган ва судьялар мустақиллиги принципини бузмайдиган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин (хусусан, фуқароларни, жамоатчилик вакилларини қабул қилиш, брифинг, интервью, матбуот конференцияларини ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва ахоли олдида чиқишилар қилиш, пресс-релизлар тарқатиш ва ҳ.к.).

Жамоатчилик билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш мақсадида судларнинг расмий вакиллари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қиласи.

Маълумки, очиқлик ва ошкоралик хар қандай ҳокимиятга бўлган ишончнинг асосий кафолатидир.

Қарорда суд ҳокимиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шахар) судлари раислари:

йилда камида бир марта фуқаролар хукуқ ва эркинликларини, шунингдек корхона, мусассаса ва ташкилотлар хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши ҳолати юзасидан тегишли давлат вакиллик организига маълумот тақдим этишлари;

ойида камида бир марта судьяларнинг жойларда ахоли билан учрашувларини ташкил этишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Умуман олганда, мазкур қарор суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг хукуқларини суд орқали ҳимоя қилинаётганлигини, ишларни очиқ ва ошкорла кўрилишида қонунда назарда тутилган истисно этувчи ҳолатлардан ташқари жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан эркин ҳамкорлик ўрнатишни кафолати бўлди десак, муболаға бўлмайди.

**М. ОЧИЛОВА,
жиноят ишлари бўйича
Касби туман суди раиси**

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУДЛАР

Маъмурий ислоҳотлар борасида ҳар бир давлат ўзининг тажрибасига эга.

Ўзбекистонда «маъмурий судлов» тушунчаси илк маротаба «туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судъяси» тушунчаси остида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан мустаҳкамлаб кўйилди. Лекин, амалда 23 йил давомида бундай судъяларнинг ўзи мавжуд бўлмаган¹. Конун хужжатларида маъмурий судлов сифатида фақатгина маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш белгиланган ҳамда бундай тоифадаги ишлар жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган.

«Маъмурий судлов» («маъмурий суд ишларини юритиш») тушунчасини англаш учун, биринчи навбатда, «оммавий хуқуқий муносабат», «оммавий хуқуқий низо» ва «маъмурий низо» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур. Илмий изланишларда «оммавий хуқуқий муносабат»ларга таъриф берилганда, унинг оммавий хуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Оммавий хуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти сифатида эса, унда иштирок этувчи томонларнинг бири бўлиб давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган. Илмий адабиётларда бундай қарашлар тарафдорларини кўплаб учратиш мумкин. Лекин, ҳозирги кунда оммавий хуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида бир томонда жисмоний ва юридик шахсларни, иккинчи томонда эса, фақатгина давлат ор-

ганларини эмас, балки ҳокимият ваколатлари га эга бўлган турли субъектлар учрайди.

Демократик давлатларда олиб борилаётган номарказлаштириш нафақат давлат органлари тизими ичida, балки ундан ташқарида ҳам юз бермоқда. Жумладан, айрим давлат функциялари нодавлат ташкилотлариға (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, оммавий хуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади. Масалан, Ўзбекистон конунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун хужжатлари га мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан кўрикландиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилиш мумкин. Демак, маъмурий судда оммавий хуқуқий муносабатларга доир низо кўриб чиқилаётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида на-моён бўлади.

Маъмурий хуқуқ ва процесс соҳасида изланишлар олиб борган Ю.А. Тихомировнинг фикрича, оммавий хуқуқий низо ваколатли давлат органлари томонидан оммавий (жамоат) хусусиятига эга бўлган ва қонун билан ўрнатилган процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низодир. Юзага келган низо, агарда оммавий хуқуқ соҳалари (конституциявий, маъмурий, молия, солик, меҳнат ва бошқалар)га тегишли ма-

салаларни қамраб оладиган бўлса, бундай низолар оммавий хукуқий ҳисобланади².

Оммавий хукуқий низоларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу низоли муносабат иштирокчилари хукуқий жиҳатдан teng эмас³. Жумладан, Д.М.Замышляевнинг кўрсатишича, ҳар қандай оммавий хукуқий низонинг хусусияти унда иштирок этувчиликнинг бири ҳокимият функцияларига эга бўлганлиги сабабли муносабат субъектлари teng эмас. Шу сабабли ҳам бу ҳолат мазкур муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида тартиботини ва юрисдикциясини талаб этади.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, хукуқшунос олимлар томонидан оммавий хукуқий низо (хусусан, унинг асосий кўриниши ҳисобланган маъмурий хукуқий низо)нинг бир нечта умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, оммавий хукуқий низолар оммавий хукуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади;

иккинчидан, оммавий хукуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён бўлади ҳамда муносабат иштирокчилари teng эмас;

учинчидан, оммавий хукуқий низоларни ҳал этишнинг маҳсус тартиби жорий этилади;

тўртинчидан, оммавий хукуқий низолар турли субъектларнинг хукуклари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-харакатларини белгилаб берувчи моддий хукуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади;

бешинчидан, оммавий хукуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (харакатсизлиги), норматив-хукуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига биноан маъмурий суд-

га фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар таалуклидир.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ёки ушбу соҳадаги низода иккинчи томон сифатида давлат бошқаруви органлари, маъмурий хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари намоён бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишида юқорида санаб ўтилган шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан бир қаторда, идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларга ҳам предмет сифатида қаралади.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши лозим бўлган тушунчалардан яна бири «маъмурий орган» тушунчасидир.

Ўзбекистонга «маъмурий орган» тушунчаси 2018 йил 8 январдаги «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан кириб келди. Ушбу Қонуннинг 4-моддасига⁴ биноан маъмурий-хукуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва маҳсус тузилган комиссиялар маъмурий органлар ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг⁵ 27-моддасида давлат бошқаруви органлари, маъмурий хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар» маъмурий орган сифатида ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сонли Фармонига⁶ биноан вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар хузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органларидир.

Фармонга биноан республика давлат бошқаруви органлари зиммасига:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий хуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли хуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиши, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш каби вазифалар юклаб қўйилган.

Қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органларидан ташқари, ҳўжалик бошқаруви органларига ҳам раҳбарлик қиласди.

Табиий савол туғилади: ҳўжалик бошқаруви органи «маъмурий орган» таркибига кирадими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йи 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3366-сонли Фармонига⁷ биноан қуйидаги асосий ташкилий-хуқуқий шаклларда ташкил этиладиган ҳўжалик бирлашмалари:

1) таркибиغا кирувчи корхоналарнинг ҳўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг ҳўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан, давлат-акциядорлик компаниялари;

2) муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади.

Ушбу Фармонга биноан давлат бошқаруви, шу жумладан, тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув ҳўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳўжалик бошқаруви органлари «маъмурий орган» таркибига кирмайди, шунингдек улар томонидан амалга ошириладиган фаолият қонун ҳужжатларига биноан «маъмурий хуқуқий фаолият» ҳисобланмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида «маъмурий хуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар» тушунчаси ёки рўйхати батафсил берилмаганлиги са-

бабли, маъмурий судларда ишларни қўриб чиқишида айрим муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишни тушуниш уни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очади.

Замонавий ўзбек маъмурий хуқуқ фани мустақил равишда ривожланиб бориши лозим. Бу ҳозирги глобаллашув ва иқтисодий интеграция шароитидаги талабдир.

Маъмурий фаолиятни хуқуқий тартибга солиш соҳасидаги Германия тажрибаси дикқат билан ўрганишга лойик ва Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш учун ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Германия маъмурий ҳокимият субъектлари доктринаси асосида улар орасида давлат хуқуқининг алоҳида субъектлари аниқланган. Шу асосда давлат юридик шахсларининг маъмурий хуқуқий институтини ривожлантириш мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритишдаги маъмурий процедуралар доктринаси бундай давлат процедураларини қонуний тартибга солиш бўйича немис тажрибаси билан тўлдирилиши фойдадан холи эмас.

Маъмурий ишларни такомиллаштириш учун қўйидаги атамаларни белгилаш тақлиф этилади: «маъмурий даъво», «маъмурий даъвогар», «маъмурий жавобгар».

¹ Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритшида прокурор шитирокининг ташкилий-хуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Боши прокуратураси Академияси, 2019 й., 12-б.

² Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.

³ Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритшида прокурор шитирокининг ташкилий-хуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Боши прокуратураси Академияси, 2019 й., 13-б.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 185-модда; 2007 й., 25-26-сон, 258-модда.

Маъмурий даъво маъмурий даъвогарнинг маъмурий жавобгарга нисбатан маъмурий судга берилган мурожаати ҳисобланади.

Маъмурий даъвогар ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари маъмурий жавобгар томонидан бузилган жисмоний ёки юридик шахслардир.

Маъмурий жавобгар эса, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда белгиланган тартибда ваколат берилган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидир.

Маъмурий иш қўзғатишнинг асосий йўналишларига аниқлик киритиш ва уларни янада кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий суд иши юритиш тизимиға оид амалдаги қонун ҳужжатларини модернизация қилиш яқин келажақда маъмурий судларнинг давлатимиздаги муҳим суд институтларидан бирига айланишига хизмат қиласди.

**М. ХАЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий
мактаби магистри**

ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖтК) 2-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари белгиланган. Унга кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий мухитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳукуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодексда қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳукуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансадбор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳукуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи фариҳуқукий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

МЖтКда назарда тутилган ҳукуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳукуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган

тақдирда, амалга оширилади.

Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилмайди.

Жумладан, МЖтК 271-моддасининг 7-бандида маъмурий жазо ҳукуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳукуқбузарлик эса, ҳукуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктириб қўлланилиши мумкин эмаслиги, акс ҳолда маъмурий иш тугатилиши кераклиги назарда тутилган.

Амалиётда судлар маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида МЖтКнинг 36-моддасида белгиланган муддатлар ўтиб кетган ҳолатни ишни юритишни истисно этувчи ҳолат сифатида баҳолаб, маъмурий ишни аксарият ҳолларда ҳукуқбузарнинг иштирокисиз тутатмоқда. Аммо, бундай қарор қабул қилиниши натижасида айrim ҳолатларда содир этилган маъмурий ҳукуқбузарликдан фуқаровий жавобгарлик ҳолати юзага келиши кузатилмоқда.

Маълумки, жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини айrim ҳолларда шахснинг розилиги мавжуд бўлгандагина тугатиши мумкин. Жумладан, айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб килса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиб, ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилиши белгиланган. Чунки, айблов ҳукми жиноят оқибатида етказилган зарарни ундиришга асос бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, хусусан МЖтКнинг 271-моддаси айрим бандлари асосида хукуқбузар ёки унинг яқин қариндошларининг розилигисиз ишни тугатиш тартиби содир этилган хукуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни ундириш жараёнида муаммони юзага келтирмоқда. Шу сабабли, маъмурий ишни кўришда судья шахснинг хукуқбузарликни содир этган-этмаганлигини чукур текшириб чиқиши зарур.

МЖтКнинг 305-моддасида маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишининг умумий муддати белгиланган (15 кун).

Шу билан бирга, МЖтК 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий хукуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишига ваколатли орган (мансадбор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз қунлик муддатда кўриб чиқилиши кўрсатилган.

Амалиётда тадбиркорлик фаолияти билан давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб, хукуқбузарлик содир этган фуқароларга оид материаллар умумий тартибда, яъни 15 кунда кўрилиб, қарор чиқарилмоқда. Кейинчалик айнан ўша фуқаролар тадбиркорлик юзасидан давлат рўйхатидан ўтиб тегишли рухсатнома олгач, аввалги суд қарори қонунда назарда тутилган 30 қунлик муддатга риоя этилмаганлиги туфайли кассация инстанциясида бекор қилинмоқда. Бундай ҳолатлар бўйича ягона суд амалиётини жорий этиш максадга мувофиқдир.

Маълумки, суд ишни кўриб чиқиш жараёнида маъмурий хукуқбузарлик содир этилган-этимаганлигини, хукуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик

бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт. Ушбу ҳолатларнинг ҳар бири далиллар билан исбот қилиниши лозим.

Далил деб, ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар, шу жумладан, гувоҳнинг, жабрланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар ва бошқа хужжатлар тушунилади. Ушбу маълумотларни қонуний тартибда тўплаш, текшириш ва баҳолаш керак.

Қонун мазмунига кўра, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлар ва нарсалардан иборат (МЖтКнинг 276-моддаси). Улар мансабдор шахснинг баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Шу сабабли, судлар томонидан маъмурий иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Бу ўринда, судья ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишига асосланган ҳолда қонунга амал қилиб, ўзининг ички ишончи бўйича далилларга баҳо бериб, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳолаши лозим.

Маъмурий хукуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённомани тузишга ва материални кўриб чиқишига ваколатли мансабдор шахс ҳар бир ишни юритишда қонун нормаларига, шу жумладан, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга оид раҳбарий кўрсатмаларга амал қилиши шарт.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир иш бўйича тўпланган далилларга хукукий баҳо берилиши лозим.

**Н. АКБАРОВ,
Тошкент шаҳар
маъмурий суди раиси**

ДАЛИЛЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШ

Иқтисодий суд ишларини юритишнинг вазифаларидан бири иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бу вазифани ҳал этиш учун эса, суд низоли ҳолатга тўғри баҳо бериши, ҳақиқатни билиши қўлланиладиган чораларнинг асосли ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим шарти хисобланади. Қонун талабига кўра, суднинг у ёки бу низо бўйича қабул қилинган қарори аниқ далилларга асосланган ва қонуний бўлиши лозим. Тақдим этилган далилларга тўғри баҳо бериш, зарур далилларни талаб қилиб олиш ва мавжуд далиллар асосида низони ҳал этиш бевосита суд қарорларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Судда даъво кўзгатилганида тарафлардан даъво талабининг асосли ёки асоссизлигини исботлаш талаб қилинади.

Иқтисодий процессуал кодексининг (ИПК) 69-моддасига кўра, далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Агар суд мавжуд далиллар етарли эмас деб хисобласа, ишнинг объектив ҳолатларини аниқлаш ва низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган кўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустакил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани қўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги ажримда талаб қилинаётган далилни тақдим

этиш муддати ва тартиби кўрсатилиб, ажрим суд томонидан талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга юборилади.

Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли ажримни тақдим этган шахсга беради.

Агар шахс суд талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса ёки суд белгилаган муддатда тақдим эта олмаса, у шу муддат ичida бу ҳақда судни сабабларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиши шарт.

Далилни сақлаётган шахс талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини суд узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаган тақдирда, уни сақлаётган шахсга ИПКнинг 14-бобида белгиланган тартибда суд жаримаси солинади.

Талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга жарима солиниши уни далилни судга тақдим этиш мажбуриятидан озод қilmайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 15-бандига кўра, ИПК 69-моддасининг иккичи қисмига мувофиқ, агар суд мавжуд далиллар етарли эмас деб хисобласа, ишнинг объектив ҳолатларини аниқлаш ва низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган кўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларни кўшимча далиллар тақдим этишга мажбур килмасдан, фақатгина таклиф этади.

Кўшимча далиллар низонинг тўғри ҳал қилиниши ва у бўйича қонуний ҳамда асослантирилган суд хужжати қабул қилиниши учун зарур бўлиши керак. Шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 170-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этишни таклиф қилган ёзма фикр ёки кўшимча далил-

лар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

Бироқ, ИПК иккинчи маротаба далилларни тақдим этмаганлик учун жарима солиниши мумкинлигини назарда тутмайди. Агар шахс жарима солинганидан кейин ҳам далилни тақдим этмаса, далилларни талаб қилиб олишнинг бошқа мажбурлов воситаларини процессуал қонунчилик назарда тутмаган.

Баъзи давлатларнинг процессуал қонунчилигига суднинг сўровига қўра тақдим қилинмаган далилни олишнинг бошқа имкониятлари ҳам кўзда тутилган. Масалан, Украина Фуқаролик процессуал кодексининг 93-моддасига қўра, узрсиз сабаблар билан суд талаб қилаётган ёзма ёки ашёвий далиллар тақдим этилмаса, далилларни вақтингчалик олиб қўйиш хақида карор қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, Арманистон Фуқаролик процессуал кодексининг 49-моддасига қўра, суднинг далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажрими давлат, хизмат, тижорат, банк ва бошқа турдаги сирларга тааллукли қонунчилик талабларига риоя қилинган ҳолда дарҳол ижро этилади.

ИПКда далилларни беришдан бош тортаётган шахсдан далилларни олиш масаласи ҳал этилмаган. Процессуал қонунчиликда назарда тутилган суд талаб қилаётган далилни саклаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради деган норма декларатив характерга эга.

Жиноят-процессуал қонунчилиги одил судловни далиллар билан таъминлашда дастлабки тергов далилларни талаб қилиб олишнинг турли хил воситаларига эга (масалан, тинтуб, олиб қўйиш).

ИПКнинг далилларни талаб қилиб олишга қаратилган нормаси эса, амалда суд сўровининг ижросини тўлиқ таъминлашга хизмат қила олмайди.

ИПКнинг 69-моддасига қўра, ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоясини таъминлай олмайди. Баъзи ҳолатларда далилни саклаётган шахс учун далилни тақдим этишдан кўра жарима тўлаш фойдалироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги ажримда талаб қилинаётган далилни тақдим этиш муддати ва тартиби кўрсатилиб, ажрим суд томонидан талаб қилинаётган далилни саклаётган шахсга юборилади.

Далилни саклаётган шахс талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини суд узрсиз деб топган сабабларга қўра бажармаган тақдирда, уни саклаётган шахсга ИПКнинг 14-бобида белгиланган тартибда суд жаримаси солинади.

Далилларни тақдим этмаганлик учун иқтисодий процессуал қонунчиликда назарда тутилган жаримага оид нормани далилларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган таъсир чораси сифатида баҳолаб бўлмайди. Жарима солинганинг ўзи ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида иқтисодий судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоясини таъминлай олмайди. Баъзи ҳолатларда далилни саклаётган шахс учун далилни тақдим этишдан кўра жарима тўлаш фойдалироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бироқ, суд далилни олмасдан қандай қилиб одил судловни амалга оширишдек вазифани аддо этиши мумкин?

Далилни талаб қилиб олишни сўраётган шахснинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши факат шу далилга боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Биринчи инстанция суди томонидан далилларнинг етарлигига оид нормалар бажарилмаганлиги суд ҳужжатининг бекор бўлишига олиб келади. Чунки, қарор далиллар билан асослантирилган бўлиши керак.

Шу боис, ИПКнинг 69-моддасини амалда кўллаш механизмини ишлаб чиқиш орқали одил судловни таъминлаш воситаларини кучайтиришга эришиш мумкин.

Х. РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судъялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар
олий мактаби тингловчиси

СУҒУРТАНИНГ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш турлари, жумладан суғурта хизмати ҳам ривожланмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашда¹ суғурта хизмати кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зоро, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шаклларини ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ².

Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришда молиявий хизматларнинг ўрни бекиёсдир.

Л.Сафаровнинг фикрича, молиявий хизматлар молиявий воситачилик хизматлари, асосан кредит билан боғлиқ муносабатлардир. Банк, инвестиция фондлари, суғурта, лизинг, брокерлик ва бошқа молиявий воситачилик ташкилотлари худди шундай хизматлар кўрсатувчи муассасалар сирасига киради³.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг молия хизматлари бозорида суғурта хизмати билан ишлаш ҳам ўзига хос ўринга эга.

Иқтисодий-ҳукуқий атамаларнинг изоҳли луғатида суғурта суғурта қилдирувчиларнинг бўнак взнослари асосида шаклланадиган суғурта фонди деб таъриф берилган. Иқтисодчи олим М.Юсуповнинг фикрича суғурта иқтисодий категория сифатида манбаатдор ташкилотлар ва

фуқаролар бадаллари хисобидан ташкил топган, маҳсус ташкилот (суғурталовчи) бошқарувидаги пул жамғармасини юзага келтириш ва тақсимлаш шаклини англатади⁴. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, суғурта юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фонdlари хисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манбаатларини ҳимоя қилишдир.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғуртанинг ҳам иқтисодий, ҳам юридик муносабатлари бир вақтда юзага келади. Чунки, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта ҳодисаси учун тўлаб берадиган суғурта товони суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган суғурта мукофотидан шакллантирилади. Бундай ҳолатда «суғурта шартномаси» юридик муносабат бўлса, амалга ошириладиган «арифметик амаллар» иқтисодий муносабатдир.

Айrim манбаларда суғуртанинг моҳияти таваккалчилик, огоҳлантириш, омонат сақлаш, муҳофаза ва назорат қилиш каби функцияларда намоён бўлиши, баъзиларида эса,⁵ суғуртанинг моҳияти таваккалчилик, суғурта захираларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, сармоя киритиш, хизмат қилиш, назорат

ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш каби функциялардан иборатлиги қайд этилган.

Цивилист олим Л.И.Рейтмананинг фикрича⁶, сұғартанинг мөхияти таваккалчилик, огохлантириш, муҳофаза ҳамда назорат қилиш каби функцияларда намоён бўлади. Л.А.Орланюк таъбирича эса, сұғартанинг мөхияти таваккалчилик ва огохлантириш каби функцияларда акс этади⁷.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, сұғурта хизматларини кўрсатувчи сұғурта ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда сұғурта фаолиятининг мөхиятини очиб бериш мақсадида 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Сұғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига «сұғурта таваккалчилиги; сұғурта захираларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш; сұғурта соҳасидаги истеъмолчиларни муҳофаза қилиш; сармоя киритиш; сұғурта қилдирувчиларга хизмат қилиш; назорат ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш» деган мазмундаги учинчи хатбошини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, сұғурта юридик категория сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир. Фуқаролик кодексида сұғуртага алоҳида боб бағишлиянгани, шунингдек «Сұғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани бежиз эмас.

Қолаверса, бундай ўзгариш сұғурта шартномасини тузиш даврида сұғурталовчилар томонидан сұғурта функцияларининг турлича талқин қилинишини, сұғурталовчи билан сұғурта қилдирувчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Юқорида сұғартанинг мөхиятини белгиловчи сұғурта функцияларига тўхталиб ўтдик. Энди сұғартанинг молиявий хизматлар тизимидағи ўрнига тўхталиш

мақсадга мувофиқдир. Молиявий хизматлар бу молиявий воситачилик хизматлари, асосан кредит билан боғлиқ муносабатлардир. Банк, инвестиция фондлари, сұғурта, лизинг, брокерлик ва бошқа молиявий воситачилик ташкилотлари худди шундай хизматлар кўрсатувчи муассасалар сирасига киради⁸. Бошқа бир электрон манбаларда эса, «Молиявий хизматлар – кредит ҳисобига молиявий воситачилик хизматларини кўрсатувчилар бўлиб, уларга банклар, инвестиция банклари, сұғурта ва лизинг компаниялари ҳамда бошқа кўплаб компанияларни киритиш мумкин»⁹. Ушбу тушунчалардан кўриш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизнинг молия хизматлар бозорида нафақат сұғурта хизмати, балки инвестиция, кўчмас мулк билан ишлаш ва бошқа хизмат турлари ҳам киритилган. Ушбу молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назорат қилиш мақсадида 2002 йил 28 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-сонли қарори асосида «Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими» ташкил этилган. Бу эса, жисмоний ва юридик шахсларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларининг бузилишини олдини олишга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган маълумотга¹⁰ кўра, охирги уч йилда мамлакатимизда иқтисодий фаолият тури бўйича асосий капиталга энг кўп инвестиция киритган хизмат тушиш ва сақлашдир.

Бу борада энг кам инвестиция киритган хизмат молия ва сұғурта фаолияти бўлиб қолмоқда.

2017, 2018 йиллар, 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида молиявий хизмат-

лар бозорида суғурта хизматининг ўртача улуши 6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич эса, молиявий хизматлар тизимида жуда паст натижадир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли Қарори асосида мамлакатимизда суғурта институтини янада такомиллаштириш мақсадида қуидагиларга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш белгиланди:

суғурта соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш;

суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш;

суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш;

суғурта бозори профессионал иштирокчилирининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш;

суғурта хизматларининг истеъмолчи-

лари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари хуқуqlарини ҳимоя қилишни кучайтириш, суғуртани оммалаштириш ва суғурта маданиятини ривожлантириш;

суғурта хизматлари ҳажми, қўламини кенгайтириш ва суғурта хизматлари сифатини ошириш;

суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Ишончимиз комилки, ушбу вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши мамлакат суғурта бозорининг истиқболига хизмат қиласди.

Д. МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Харбий-техника институти
мустақил изланувчиси,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

¹ Мирзиёев Ш. Халққа хизмат қилиши, одамларнинг манфаатларини таъминлаш – раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель № 73. – 1-б.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириши, ислоҳотларни чуқурлаштириши, маънавиятимизни юксалтириши ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириши – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 191-192-б.

³ Сафаров Л. ЎИҲҲҚЖ Федерациясининг Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиши бўлими бошлиги. <http://biznes-daily.uz/ru/istemolchi/23179-moliyaviy-xizmatlar-korsatish-sohasidagi-islohotlar>

⁴ Юсупов М. Фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш // Хуқуқ ва бурч, 2008 йил, –№ 5. – 7-б.

⁵ Портал «Discovered» Сущность страхование. <https://discovered.com.ua/insurance/sushhnost-i-funkcii-straxovaniya>.

⁶ Страховое дело. Учебник под ред. Рейтмана Л.И. М.: Банковский и биржевой научно-консультационный центр, 1992, – С. 17.

⁷ Вопросы сущности и функций финансов в системе производственных отношений социализма. Сб. научн. трудов/ М.: МФИ, 1988, – С. 89-90.

⁸ <http://biznes-daily.uz/ru/istemolchi/23179-moliyaviy-xizmatlar-korsatish-sohasidagi-islohotlar>.

⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki> (12.01.2020 йил).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўймитасининг 2020 йил 8 январь кунидаги чиқиши рақами №01/2-02-17/2-7 сон билан қайд этилган «Суғурта ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари» номли маълумотномасининг биринчи иловаси.

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БҮЙИЧА СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни молия-хўжалик стратегияси ва фаолияти пухта ишлаб чиқилган, молиявий сиёсати ва уни амалга ошириш механизмилари тўғри йўлга қўйилган, ички ва ташки бозорда рақобатбардош, экспорт салоҳиятига эга иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналарсиз, ҳозирда бундай корхоналарнинг аксарияти эса шерикчилик, акциядорлик, улушлар, пайлар хисобига ташкил этилаётганлигини инобатга олсак, корпоратив бошқарувга эга бўлган субъектларсиз тасаввур қилиш қийин.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш, уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, акциядорлик жамияти шаклидаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий қилишни белгиловчи катор тадбирлар, мазкур соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли вазифалар белгилаб берилган.

Бу борада давлат иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор субъ-

ект сифатида тадбиркорлик билан бевосита шуғулланмайди, балки соҳага оид умумий жараёнларнинг асосий сиёсий ташкилотчиси бўлиб, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-куватлади, тадбиркорликнинг тараққий этишига ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароит яратиб беради. Ушбу функцияларни у қонунлар ва қонуности хужжатларини чиқариш (қонунчилик ҳокимияти функцияси), қонунларнинг лозим даражада ижро этилишини ташкил этиш (ижро ҳокимияти функцияси) ва ижтимоий низоларни ҳал этиш, тадбиркорлик субъектларини турли ноқонуний хатти-харакат ёки ҳаракатсизликлардан ҳимоя қилиш (суд ҳокимияти функцияси) усуллари орқали амалга оширади. Айниқса, хусусий мулкнинг ва хусусий мулк ҳуқуқига асосланган корхоналар томонидан олинадиган даромадларнинг дахлизилигини кафолатлаш, рақобат муҳитини шакллантириш, мулкдорларнинг манфаатдорлик ҳуқуқларини кафолатлаш ва шунга ўхшаш чораларни кўриш ўзининг ижобий натижасини беради.

Мулкдор ҳуқуқларини, шу жумладан, корпоратив бошқарув жараённида уларнинг қонуний манфаатлари кафолатланишида судларнинг ўрни бениҳоя юкори. Чунки, ҳуқуқларининг кафолати таъминланганлигига «кўзи етмаган» мулкдор бундай ишга қўл урмайди. Шу ўринда корпоратив низоларнинг судларда ҳал этилиши, жумладан қайси суд томонидан ва қандай тартибда ҳал этилиши, мазкур тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларини аниqlаш муҳим ҳисобланади.

Корпоратив низоларнинг судларга тааллуклилиги, яъни уларнинг қайси суд томонидан ҳал этилиши процессуал қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Корпоратив

низоларнинг судларда ҳал этилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, мазкур тоифадаги низолар, даставвал, фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилган.

Мазкур низоларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай низоларда аксарият ҳолларда бир тараф жисмоний шахс бўлишига қарамасдан, низо юридик шахснинг иқтисодий фаолияти бўйича, яъни иқтисодиёт соҳасида вужудга келади. Амалиётда фуқаролик ишлари бўйича судларда бундай низоларни айнан шу сабаб бўйича кўриб чиқиш рад этилган (иш бўйича иш юритиш тутгатилган) ҳолатлар кўплаб учрайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2017 йил 6 апрелга қадар амалда бўлган 111-моддаси таҳририда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши қайд этилган.

Хўжалик судлари эса, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)-нинг шу вақтда амалда бўлган таҳририга асосан субъектив таркиб бўйича, яъни жисмоний шахс хўжалик судида тараф сифатида иштирок эта олмаслигидан келиб чиқиб, бундай низоларни кўриб чиқишга ҳақли бўлмаган. Шу боис, корпоратив низоларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодиёт соҳасида вужудга келишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ХПКга қўшимчалар киритилиб, корпоратив низоларнинг асосий қисми, аниқроғи иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, тўғрисидаги 4-бандига ўзгартириш киритилиб, меҳнат низоларидан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек, ХПКга «Корпоратив низолар бўйича иш юритиш» деб номланган янги боб киритилиб, корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процессуал

лари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш тааллуқлилиги бўйича хўжалик судларига ўтказилди.

ХПКда 2013 йилдан бошлаб мазкур тоифадаги ишлар бўйича низо вужудга келган тақдирда, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилишининг белгиланиши, хўжалик процессида тараф сифатида фуқаронинг иштирок этиши ҳуқуқини таъминлаб берган янгилик бўлди.

Таъкидлаш жоизки, корпоратив низоларнинг айримларини хўжалик судига, бошқаларини эса умумий юрисдикция судига тааллуқлилиги мазкур соҳада вужудга келаётган низоларнинг судлар томонидан ҳал этилиши бўйича ягона суд амалиётининг шакллантирилиши ва такомиллаштирилишида муайян қийинчикларни келтириб чиқариш билан бир қаторда, корпоратив бошқарув субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этилиши билан боғлиқ оворагарчиларга сабаб бўлди.

Кейинчалик, яъни 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ХПК 23-моддасининг иштирокчilar ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, тўғрисидаги 4-бандига ўзгартириш киритилиб, меҳнат низоларидан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек, ХПКга «Корпоратив низолар бўйича иш юритиш» деб номланган янги боб киритилиб, корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процессуал

жиҳатлари белгилаб берилди. Мазкур қонун билан «корпоратив низо» атамаси илк маротаба хўжалик процессуал қонунчилигида акс эттирилди.

Натижада корпоратив низо тарафларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий асоси яратилиб, корпоратив низоларни умумий юрисдикция ва хўжалик судлари томонидан ҳал этиш амалиётида мавжуд бўлган тааллуқлилик борасидаги муаммолар бартарап этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармонига асосан суд тизимига ўзгартириш киритилганидан кейин, яъни 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб корпоратив низолар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан ҳал этилиб келинмоқда ва бу борада низоларни кўриб чиқиш 2018 йил 24 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида (ИПК) белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

ИПКнинг 30-моддасида етти хил шаклдаги корпоратив низолар санаб ўтилган:

1) юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;

2) хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно;

3) юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;

4) қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиб билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараённида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиб билан боғлиқ низолар;

5) қимматли қоғозларни номинал сақловчилярнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан келиб чиқадиган низолар;

6) юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар;

7) юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар.

Шуни инобатга олиш лозимки, мазкур моддада кўрсатилган корпоратив низоларнинг рўйхати тугал ҳисобланмайди ва ушбу моддада кўрсатилмаган, аммо ўзининг моҳиятига кўра корпоратив низо ҳисобланган даъволар ҳам иқтисодий судлар томонидан ҳал этилиши лозим. Шунинг учун низонинг ушбу рўйхатда кўрсатилмаганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга йўл кўйилмайди.

Эътибор берилиши лозим бўлган яна бир жиҳат – корпоратив низо меҳнатга оид бўлмаслиги, шунингдек хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, ко-

оперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олуви мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низо бўлмаслиги лозим.

Амалиётда, айнан шу ҳолат бўйича судга тааллуқлилик борасида низолар ҳанузгача давом этиб келмоқда. Масалан, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижро этувчи органи (директор)нинг уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таъсисчилар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқли. Чунки, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 39-моддасининг биринчи қисмига асосан жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг уставида белгиланган муддатга сайланади.

Меҳнатга оид низолар деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликлар тушунилади. Меҳнатга оид низолар таъсисчиларнинг йиғилиш қароридан эмас, балки меҳнат шартномасидан вужудга келади. Ишга тиклаш ва компенсация тўловларини тўлаб бериш тўғрисидаги талаб меҳнат муносабатларидан келиб чиқсанлиги сабабли тегишинча фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилади.

Агар таъсисчи ёки акциядор айни вақтда жамиятнинг ходими ҳам бўлиб, у бирор меҳнатга оид низо юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилган бўлса, ИПК талабларидан келиб чиқиб, бундай даъво аризасини қабул қилиш рад этилиши, агар ушбу ҳолат ишни кўриш жараёнида аниқланса, иш юритиш тугатилиши лозим бўлади.

Корпоратив низоларнинг тааллуқлилиги борасида сўз юритилар экан, ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 1-банди олимлар ва амалиётчилар ўртасида турли хил баҳсланинг

шувларга сабаб бўлмоқда. Мазкур бандга асосан иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судларга тааллуқлилиги белгиланган. Чунки, биринчидан, Қонуннинг ўзбек ва рус тилидаги матни таҳририда ҳар хил тушунча мавжуд. Иккинчидан, Қонунда кўрсатилган уч турдаги, яъни меҳнат, оила ва мерос муносабатларидан ташқари барча корпоратив низолар иқтисодий судларга тааллуқли деб белгиланган.

Корпоратив низолар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келса-да, баъзида уларнинг оқибати оммавий ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бўлади. Жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказилганлигини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаб бунга мисол бўла олади. Яъни, таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши маъмурий ҳуқуқий муносабат бўлиб, ушбу ҳолатда низо вужудга келган тақдирда, аксарият ҳолларда у бевосита корпоратив низолардан келиб чиқади.

Бундай ҳолларда ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш каби талаблар ҳам кўйилган бўлса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилади. Ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган

талаабни мазмунан кўриб чиқиши, маъмурӣ судга таалуқли талааб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишини тугатиши лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 8-бандида тушунтириш берилган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июнданаги «Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 262-сонли қарорини янги таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. Чунки, биргина таалуқлилик борасида қарорининг 1-бандида судлар иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар келтирилган бўлиб, Пленум қарорининг 3-бандига кўра, хўжалик ширкати ва жамиятининг таъсис шартномасини тараф сифатида имзолаб, хўжалик ширкати ва жамиятини ташкил этиш мажбуриятини олган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ёки улар томонидан ваколат берилган шахс ушбу ширкат ва жамиятнинг муассиси (таъсисчиси) хисобланади.

Хўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибида давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси хисобланади.

Пленум қарорининг 4-бандига судларга шахснинг хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун:

тўлиқ ва коммандит ширкатлардан таъсис шартномасининг белгиланган тартибида тасдиқланган нусхаси;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият уставининг белгиланган тартибида тасдиқланган нусхаси;

акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан кўчирма талааб қилиб олиниши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Амалиётда, улушни сотиб олган ёки улушга бошқача усулда эгалик ҳуқуқини қўлга киритган шахснинг жамият томонидан уни эътироф этмаслиги, яъни тан олинмаслиги, унинг талабини умумий йиғилишда кўриб чиқилмаслиги ҳолатлари учраб туради. Шу боис, ушбу шахс улушнинг мансублилиги борасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида жамиятга нисбатан судга даъво киритиш ҳолатлари бор. Аммо, судлар томонидан Пленум қарорида берилган тушунтиришдан келиб чиқиб, улушга нисбатан эгалик рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабли ушбу шахс қонунда белгиланган тартибида муассис мақомини олмаган деган важ билан даъволарни қабул қилишни рад этиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ваҳоланки, ИПК 30-моддаси биринчи кисмининг 2-бандига хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидағи (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар судларда ҳал этиладиган корпоратив низолар сирасига киритилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимики, корпоратив муносабатлардан вужудга келадиган низоларнинг таалуқлилигини аниқлаштириш, бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида умумлаштиришлар ўтказиш, шунингдек бу ҳақда Пленум қарорида кенгроқ тушунтиришлар бериш зарур.

М. САИДОВ
Бухоро вилоят
иқтисодий суди раиси

ИШЧАNLIK ОБРЎСИНИ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99-моддасида шахснинг шаъни ва қард-қиммати, ишчанлик обрўси номоддий неъматлар сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қайд этилишича, шаън шахсга тегишли бўлган ижтимоий ва маънавий сифатлари бўйича бошқаларнинг баҳосидир. Қадр-қиммат эса, мана шу сифатлар бўйича шахснинг ўзига ўзи берган баҳосидир. Ишчанлик обрўси факатгина касбий маҳоратига бўлган ижтимоий баҳо¹.

Юридик фанлар доктори, профессор И.Б.Зокировнинг фикрича, шаън фуқаронинг муайян даражада тасдиқланиши, унинг ижтимоий ҳолатидир. Қадр-қиммат эса, мазкур ҳолатнинг соҳиби онгидা акс эттирилиши, яъни жамият томонидан тақдирланишига кўра шахснинг ўзига берган баҳосидир².

Шаън, қадр-қиммат жисмоний шахсга хос хусусиятлар бўлиб, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини оммавий ахборот воситаларида, Интернет нашрларида ва ижтимоий тармоқларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар асосида камситиш унинг рухиятига, ички кечинмаларига салбий таъсир ўтказади ва шахсга маънавий зарар етказади.

Ишчанлик обрўси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига дахлдор тушунча бўлиб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилиши тадбиркорлик субъектининг ишлаб чиқариш ҳажмига, савдо ва хизмат кўр-

сатиш кўламига жиддий зарар етказади ва бу зарар моддий кўринишида бўлади.

Маълумки, қимматли қоғозлар бозорида корпорацияларнинг фаолияти юзасидан ижобий ёки салбий, ҳаққоний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотларнинг тарқатилиши қимматли қоғозларнинг нархига, шунингдек биржалардаги савдоларга ўз таъсирини кўрсатади.

Бизнесда илғор мақсадларни кўзлаган компания ва корпорациялар маҳаллий, халқаро бозорларда ном қозониш ва жой эгаллаш учун барча самарали усуслардан фойдаланди. Аксарият, йирик корпорацияларда жамоатчилик билан ишловчи ходимлар ва бўлимлар мавжуд бўлиб, улар бевосита ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, Интернет нашрлари ёрдамида компаниянинг ишчанлик обрўси ва мижозларнинг хоҳишистаклари ҳақида маълумотлар тўплайди, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот ва маълумотларни тарқатилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган заарларнинг олдини олишга ва компания имиджини сақлаб қолишга харакат қиласди.

Тадбиркорлик субъектининг ишчанлик обрўсини шакллантиришда бир қатор омиллар, хусусан сифат менежменти, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилиши, маркетинг (реклама ва брендлар), истеъмолчиларга (мижозларга) яратилган қулайликлар, ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, ходимларнинг ахлоқ-одоб

АННОТАЦИЯ

Хозирги вактда мобил алоқа хизмати ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Биз ҳар дақиқада оммавий ахборот воситаларидан, Интернет тармоғидаги сайлардан ва ижтимоий тармоқлардан ахборот ва маълумотлар олмоқдамиз. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ахборотлар тарқатиш орқали тадбиркорлик субъектларини обрўсизлантириш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари, усуслари ва қонун хужжатларидағи мавжуд камчиликлар ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси, оммавий ахборот воситалари, Интернет, ижтимоий тармоқлар.

нормалари, корпоратив маданият ва бошқа жиҳатлар ижобий натижа беради.

Иқтисод соҳасида илмий изланиш олиб борувчи олимлар, мустақил тадқиқотчилар, компанияларнинг маркетинг ва ишлаб чиқариш бўлимлари Интернет нашрларининг, ижтимоий тармоқларнинг компания ишchanлик обрўсига таъсир ўtkазиш даражасини, кўламини, хусусиятларини ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тарқатилиши оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган моддий зарарларни ҳисоблашади.

Бирок, бу тадбиркорлик субъектининг ишchanлик обрўсини ҳимоя қилиш имкониятини бермайди. Компаниялар мазкур ахборотнинг тарқатилишини тўхтатиш, унга раддия бериш ва етказилган зарарларни ундириш каби ҳукукий ҳимоя чораларини кўриши муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, зарар кўлами кўпайишида давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига кўра, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишchanлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, ўша ахборотни тарқатган оммавий ахборот воситаларида раддия берилишини ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳам фуқарога тегишли муҳим ҳукуқдир.

Мазкур қоидаларни юридик шахснинг ишchanлик обрўсини ҳимоя қилишга ҳам татбиқ этиш мумкин.

Шу каби норма «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақида» 1992 йил 19 июня қабул қилинган 5-сонли қарори мавжуд. Мазкур қарорда амалдаги нормалар-

ни суд амалиётида қўллаш тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасида рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиши белгиланган.

Фикримизча, мавжуд нормалар тадбиркорлик субъектларининг ишchanлик обрўсини тўлақонли ҳимоя қилишга имкон бермайди.

Биринчидан, Фуқаролик кодекси нормалари замонавий ахборот технологиялари давридаги реал вазиятга мувофиқ келмай қолди. Хусусан, амалдаги қонун нормаларида Интернет нашрлари, ижтимоий тармоқларда тарқатилган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тўхтатишга, уни ўчириб ташлашга, яна тарқатилишининг олдини олишга қаратилган қоидалар назарда тутилмаган.

Иккинчидан, рақобатчини обрўсизлантириш, шу мақсадда била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш учун жиноий жавобгарликни тадбиркорлик субъектининг ишchanлик обрўсини ҳимоя қилишнинг самарали усулларидан бири сифатида баҳолаб бўлмайди. Ахборотни тарқатган шахс жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда ҳам ахборот ижтимоий тармоқларда тарқалишда давом этиши мумкин. Тадбиркор бунинг оқибатида кўрган зарарларни қоплаш юзасидан судга алоҳида мурожаат қилиши зарурити юзага келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тадбиркорлик субъектлари ишchanлик обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш зарур.

**Ш. МИРЗАЕВ,
Андижон вилоят иқтисодий
суди раиси, мустақил изланувчи**

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. -Т. Адолат. 2009 й. 530-бет.

² И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳукуқи. Дарслик. I-қисм. Тошкент давлат юридик институти. 2006 й. 171-бет.

АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА СУД НАЗОРАТИ

Фарб жиноят процесси миллий моделлари турли-туман бўлса-да, ҳозирда ғоявий жиҳатдан яхлитдир. У инсон ҳуқуқлари фалсафаси ва фундаментал демократик принциплар: айбиззлик презумпцияси, одил судга бўлган ҳуқуқ, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда шахс ҳуқуқларини кафолатлашга асосланган. Мазкур қадриятлар универсал ҳисобланиб, миллий қонун чиқарувчи томонидан жиноят-процессуал нормалар ва институтларни шакллантиришда шубҳа остига олиниши мумкин эмас¹.

АҚШ ва Англия жиноят процесси қўлида жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш бўйича барча ваколатлар жамланган, иш ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив аниқлаш мақсадида исботлашни амалга оширувчи процессуал ҳокимиятнинг ягона маркази мавжудлигини техник жиҳатдан инкор этади. Англия ва Америка жиноят процессига «жиноят иши», «жиноят иши бўйича иш юритиш», «жиноят иши бўйича иш юритувчи шахс» категориялари номаълум².

АҚШ суд назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, АҚШ Олий суди томонидан суд назоратининг предмети ва чегараси белгилаб берилади. Полиция мустакил равишда фақатгина фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекламайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқига эга, қиска муддатли ушлаб туришдан бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эмас.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида ишни мазмунан кўриш асосан жамоатчилик вакил-

лари (присяжныйлар суди) томонидан профессионал судьянинг раҳбарлиги остида амалга оширилади, прокурорнинг ваколатлари чекланганлиги сабабли, суд ишни судга қадар юритишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий, балки ягона ҳимоячисидир.

АҚШда етарли асослар мавжуд бўлса, полиция қамоққа олиш ёки тинтуб ўтказиш ҳакида судга мурожаат қиласди. Магистрат суди қамоққа олиш ёки тинтуб ўтказиш масаласини ҳал қиласди. Жиноят иши қўзғатиш босқичи мавжуд эмаслиги сабабли, ордер берилиши кўпгина штатларда жиноят таъқиб бошланганлигини англатади.

АҚШда далилларни номақбул деб топиш йўли билан суд назоратини амалга ошириш, яъни далил конституциявий ҳуқуқларни бузган ҳолда олинган бўлса, уни номақбул деб топишнинг ўзи самарали механизм ҳисобланади.

Суд назорати бўйича энг машҳур суд прецедентларидан бири 1961 йилдаги *Mapp v. Ohio* ҳисобланади. Огайо полицияси Dolree Mapp исмли шахснинг уйида ўтказилган тинтуб натижасида порнографик материаллар сақланаётганлигини аниқлаган. Ушбу далиллар асосида Dolree Mapp судланган, бироқ суд ҳукмига апелляция берган. Олий суд полиция томонидан уйни тинтуб қилиш жараёнида Mapp тинтуб ўтказилаётгани ҳакида огоҳлантирилмаганлиги сабабли тўпланган далилларни номақбул деб топган.

Powell v Nevada, 511 US.79 прецеденти бўйича эса, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган Powell 72 соат ичida судга келтирилмаган. Ушлаб турилишининг 48 ва 72 соати оралигида у икрорлик

кўрсатмалари берган. Судда Powellнинг иқорлиқ кўрсатмалари унга қарши фойдаланилган ва у айбили деб топилган. Powell ҳукмдан норози бўлиб, кўрсатмалар у ноқонуний ушлаб турилган вақтда, яъни 48 соат ичидаги одил судловга бўлган ҳукуқи бузилган ҳолда олингандиги сабабли иқорлиқ кўрсатмасини номақбул далил деб эътироф этишни сўраган. Суд унинг важларини асосли деб топган³.

1970 йил 14 январда полициянинг 6 нафар офицери қотилликда гумон қилинган Paytonнинг яшаш жойига суднинг рухсатисиз кириб, далилий ашё бўлган гильзани топганлиги ҳолатига асосланган суднинг айблов ҳукми Конституциянинг 4-қўшимчасига хилофлиги сабабли бекор қилинган ва натижада «Payton» қоидаси номли президент юзага келган⁴.

Johnson v. United States ишида полиция кечиктириб бўлмайдиган ҳолат тушунчасини ўзича талқин қилганлиги, яъни Johnsonнинг меҳмонхонадаги хонасида суднинг рухсатисиз тинтув ўтказилганлиги, ҳаттоқи айбланувчининг гиёхванд моддалар истеъмол қилганлиги ҳақида далиллар аниқланган бўлса-да, унинг хонасига киргунга қадар полицияда суднинг рухсатисиз тинтув

ўтказиш учун етарли асослар бўлмаганлиги сабабли, суднинг қарори бекор қилинган. Конституциявий ҳукуқларни чеклаш учун суд томонидан рухсат бериш «No warrant shall actually designed without probable case» («Эҳтимолий сабабсиз суднинг ордери берилмайди») қоидасига асосланади.

Уйида тезкор маълумотлар асосида тинтув ўтказилган Spinelli иши эса, полициянинг ўзи ёки унга кўмаклашувчи шахсларнинг тинтув ўтказишга асослар мавжудлиги ҳақида гувоҳлиги номақбуллиги ҳақидаги қоиданинг шаклланишига олиб келди.

АҚШда ҳам суд камдан-кам ҳолларда тинтувга рухсат беришни рад қилганлиги сабабли, унга фақат расмиятчилик деб қараш ҳам мавжуд.

Жиноят ишлари бўйича тергов Федерал тергов бошқармаси ва бошқа кўплаб федерал хизматлар, шунингдек тегишли штат ҳукуматига ёки графлик, шаҳар ёхуд қишлоқ муниципалитети маҳаллий ҳокимиятига бўйсунувчи, бир-биридан мустақил бўлган кўплаб полиция муассасалари томонидан олиб борилади. Улар гумон қилинучини ҳибсга олиш, тергов қилиш, жиноят далилларини излаб топиш ва йиғиш ҳукуқига эгадирлар, ҳибсга олиш, тинтув

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишни судга қадар юритиш жараёнида суд ҳимоясида бўлишнинг англо-саксон ҳукуқ тизимидағи ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Калим сўзлар: англо-саксон ҳукуқ тизими, хорижий тажриба, суд назорати, ишни судга қадар юритиш, такомиллаштириш.

* * *

В статье описываются особенности судебного контроля на досудебном производстве в англо-саксонской правовой системе.

Ключевые слова: англо-саксонская правовая система, зарубежный опыт, судебный контроль, досудебное производство, усовершенствование.

* * *

An article describes features of judicial control in pre-trial proceedings in the anglo-saxon legal system.

Key words: anglo-saxon legal system, criminal procedure, foreign experience, judicial control, pre-trial proceedings improvement.

қилиш ва бошқа баъзи тергов ҳаракатлари полиция томонидан суднинг рухсатини олдиндан ёки алоҳида ҳолларда кейин олиб амалга оширилади⁵.

Буюк Британияда ҳам суд назорати ишни судга қадар юритишнинг таркибий қисми хисобланади. Полициянинг ваколатлари фақат суднинг рухсати билан ва мустақил равиша ўтказиладиган ваколатларга бўлиниди. Ушланган ҳар қандай шахс судга келтирилади ва ушлаш асослари текширилади, асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, суд уни озод қилиш ҳақида қарор чиқаради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи барча ҳаракатлар, жумладан, тинтуб фақат суд буйруғи билан ўтказилади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида суд назоратининг ўзига хос хусусиятларига қуидагиларни киритиш мумкин:

ишни судга қадар юритувчи органлар, шу жумладан, полициянинг айлов функцияси аниқ белгиланган;

суд назорати тарафларнинг тортишуви принципи асосида амалга оширилади;

шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузиш йўли билан олинган далиллар ҳар бир холатда номақбул далил деб эътироф этилади;

суд назорати алоҳида институт эмас, балки жиноят процесси, шу жумладан, ишни судга қадар юритишнинг таркибий қисми хисобланади;

судьялар шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ масалаларда нафақат муайян масалани кўриб чиқиб ҳал қиласи, балки ҳуқуқ нормаларини яратади ва ривожлантиради;

суд назоратни амалга ошириш жараёни-

да нафақат қарор ва ҳаракатларнинг қонунийлиги, асослилига баҳо беради, балки далилларни текширади ва етарли эканлигини муҳокама қиласи. Далиллар етарли бўлмаса, жиноят таъқиб тугатилади.

Буюк Британияда суд назорати айнан жиноят процесси институти сифатида эмас, универсал институт сифатида фаолият кўрсатади.

Анъанага кўра, Буюк Британияда ишни судга қадар юритувчи органларнинг қарорларини бекор қилиш учун асослар учга бўлинади: 1) қарор қабул қилувчининг ноконуний ҳаракат қилганлиги (*illegality*); 2) қарор адолатсиз процедура натижасида қабул қилинганлиги (*procedural impropriety*); 3) қарорнинг асоссиз ёки иррационаллиги (*irrationality*⁶ or ‘unreasonableness’). Бироқ, мазкур асослар доимий равиша ривожланиб, кенгайиб бормоқда, масалан, Европа қонунларининг, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси бузилиши ҳам асос бўлиши мумкин⁶.

Буюк Британияда суд назорати натижасига кўра, ҳуқуқни тиклаш воситалари ҳам турличадир. Баъзида қарор қабул қилувчига қайта қарор қабул қилиш вазифаси юклатилади, бироқ қарор мазмунига бирор-бир шарт қўйилмайди.

Б. МУМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий
мактаби доценти,
юридик фанлар доктори

¹ Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головко. –2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – С.182.

² Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головко. –2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – С.185.

³ American criminal procedure/Cases and commentary. Eight edition/Thomson west. 2007 p. 181.

⁴ American criminal procedure/Cases and commentary. Eight edition/Thomson west. 2007 p. 182.

⁵ А.Х.Саидов. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: қомусий луғат- Т., 2006-б. 46.

⁶ Sarah Harvie-Clark. SPICe Briefing Judicial Review 8 July 2016 16/62 р. 6.

СУД ҚАРОРИ АСОСИДА УЙГА КИРИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддасига кўра, хукуқ ва манфаатлари бузилган деб хисоблаган фуқаро тегишли тартибда даъво аризаси билан Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 35-моддасига асосан турар манзили бўйича туман судига мурожаат қилиши мумкин. Даъво аризаси ФПКнинг 189, 190 ва 191-моддаларида кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилган бўлиши керак.

Агар даъво аризаси белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда берилган бўлса, судья аризани иш юритишга қабул қиласи ва иш қўзғатади.

Судлар уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво аризалирини қабул қилишда, аввало, даъво талабининг судга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишлари, даъво қўзғатаётган шахснинг ваколатини текширишлари лозим. Хусусан, судлар қўйидаги уй-жой низоларини ҳал этиш ваколатига эга:

- хусусий ва давлат уй-жой фондларига қарашли турар жойларни ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчилар ўртасидаги уй-жой муносабатлари бўйича вужудга келган низолар;

- уй-жой куриш ёки уй-жой кооперативи ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган низолар;

- давлат уй-жой фондининг турар жойига берилган хужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

- ижара шартномасини ўзgartiriш ва бекор қилиш тўғрисидаги низолар;

- Уй-жой кодексининг 71-74, 79, 85-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича турар жойдан кўчириш билан боғлиқ низолар;

- фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган уй-жой низолари;

- ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши муносабати билан вужудга келадиган низолар.

Фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, ёрдамчи хоналарни қайта қуриш ва ўзгартиришга розилик бериш масалаларини ҳал қилиш маҳаллий давлат ҳокимиюти органи ва ижарага берувчиларнинг ваколатига тегишлидир ва улар бўйича даъволар судга тааллуқли эмас. Бироқ, фуқаролар маҳаллий давлат ҳокимиюти ва ижарага берувчиларнинг қайд этилган масалаларни ҳал қилиши билан боғлиқ ҳаракатларидан норози бўлгандা Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда тегишли шикоят билан судга мурожаат қилишлари мумкин.

Уй-жой низоларининг суд амалиётида энг кўп учраётган турларидан бири уйга киритиш ва фойдаланиш хукукини йўқотган деб топишга оидdir. Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини муҳокамага тайёрлашда судья қўйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим:

- тарафларнинг хукукий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниqlаш;

- тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниqlаш;

- зарур бўлган ҳолларда жавобгар тараф-

га уйдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси бериш хуқуқини тушунтириш;

- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш, хусусан уйнинг кадастр хужжатларини, уй дафтари, Форма-17 карточкаси, тегишли маҳалла фуқаролар йифинидан низоли уйда кимлар яшаши ва рўйхатда туриши ҳақидаги маълумотномаларни талаб қилиб олиш;

- ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш, хусусан низоли уйда яшовчи ва рўйхатда турувчи шахсларни, улушли мулқорларни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш;

- ишга дахлдор бўлмаган тарафни тегишли тараф билан алмаштириш масаласини муҳокама қилиш;

- тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далиллар тақдим этилишини таклиф қилиш, хусусан олди-сотди, ижара шартномалари ва бошқалар;

- тарафларни яратшириш чораларини кўриш. Бунда, судья ҳар иккала тарафга маъкул келадиган ва бир-бирларининг хуқуқ ва манфаатларига зид бўлмаган келишув битими тузишни таклиф қилиши мумкин;

- ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш.

Бундан ташқари, судлар уй-жой низоларини ҳал қилишда уй-жойнинг хуқуқий мақомини, унинг хусусий ёки давлат уй-жой фондига тегишлилигини аниқлашлари лозим. Мулқор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиқсан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириш), албатта, суд тартибида ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилиниши

лозим. Уйга яшаш учун киритиш ҳамда турар жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал этишда суд турар жойга даъво қилувчи шахс Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 32-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида санаб ўтилган шахслар таркибига кириш-кирмаслигини ёки унинг уйда яшашининг бошқа асосларини, яшамаслиги сабабларини ва даъвони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳам аниқлаши керак.

Мулқорнинг оила аъзолари деб, хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, мулқор билан доимий яшаётган оиласи фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз бокимандалар, шунингдек мулқор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулқор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, мулқорнинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин. Мулқорни уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди.

Амалиётда нотариал тартибида тасдиқланган олди-сотди шартномаларидан келиб чиқадиган уй-жойга оид низолар кўп учрамоқда. Бундай тоифадаги ишларни кўришнинг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуд. Жумладан, нотариал тартибида тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар жой рўйхатидан чиқиб кетиши муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган ҳисобланади. Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топса, уни суд мажлисига кўришга тайинлайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Ўз навбатида, ишда иштирок этувчи шахсларни суд процесси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш чораларини кўради. Уйга киритиш ҳақидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари иш суд муҳокамасига тайинланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахсларга ФПК-

нинг 44-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Ишни кўришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бўлмагандан, судья иш кўриш бошланганлигини эълон қиласи, иш тўғрисида маъруза қиласи. Иш юзасидан маъруза тугагач, раислик қилувчи тарафларни сўроқ қилишни бошлайди.

Мазкур масалаларни ҳал этишнинг муҳимлиги шундаки, уларга берилган жавобларга қараб суд мажлисининг қай тарзда давом эттирилишига ойдинлик киритилади. Хусусан, иш бўйича тарафларнинг тўла тушунтиришларини эшитиш ва тўплланган далилларни текширишга зарурат бор-йўқлиги аниқланади. Агар даъвогар даъвосидан воз кечса ёки келишув битими тасдиқланса, иш юритиш тугатилади. Жавобгар даъво аризани тан олган ҳолларда эса, соддалаштирилган ҳал қилув қарори чиқариш билан иш якунланади.

Агар иш ҳолатига ойдинлик киритишида муҳим аҳамиятга эга деган хulosага келса, судья гувохларни сўроқ қиласи.

Қайд этиш жоизки, уйга киритиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда судлар, албатта, ФПКнинг 106-моддасида белгиланган даъвони таъминлаш чораларини кўриши лозим. Хусусан, уй-жой сотилиб кетишнинг олдини олиш мақсадида низоли турар жойга тақиқ қўйиш ва бу ҳақда ажрим чиқариб, уни дархол ижро қилиш учун тегишли нотариал идора ва кадастридорасига юбориш лозим.

Суд даъво талабидан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Даъво аризаси қаноатлантирилган ҳолларда даъвогарни низоли турар жойга ёки уйнинг қайси яшаш хонасига киритиш аниқ кўрсатилади. Фойдаланиш ҳуқуқини белгилашда ҳам бу жиҳат аниқ баён этилиши лозим. Акс ҳолда, ҳал қилув қарорини ижро қилишда муаммолар юзага келади.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига кўра, ундирувчини кўчириб

киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ихтиёрий равишда ижро этиш учун давлат ижро-чиси белгилаган муддатда ижро этилмаган тақдирда, кўчириб киритиш давлат ижро-чиси томонидан амалга оширилади.

Агар ундирувчининг тегишли хонадан ҳар куни монеликсиз фойдаланиш имконияти таъминланган бўлса, ижро ҳужжати ижро этилган ҳисобланади. Агар ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузилганидан кейин қарздор ундирувчининг яшашига яна монелик қилса, ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритиш янгидан тикланниши мумкин. Ижро ҳужжати бўйича қарздор бўлмаган шахс ундирувчининг яшашига монелик қилса, ижро иши юритиш қайта тикланмайди. Бундай ҳолда кўчириб киритиш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал қилинади.

Уйга киритиш билан боғлиқ муаммолардан яна бири – бу ҳал қилув қарори чиқарилганига қадар ёки чиқарилганидан сўнг низоли уйнинг сотилиб кетганлиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирилганлиги ҳисобланади. Суд жараёнида низоли уй сотилиб кетганлиги аниқланган тақдирда, судья низоли уйнинг сотилганлигини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ва тарафларни тегишли тараф билан алмаштириш чорасини кўриши ёки даъвогарга қўшимча даъво аризаси тақдим этиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Қайд этиш жоизки, Уй-жой кодексининг 52–54-моддаларида хусусий уй-жой фонди тўғрисида сўз юритилмаган. Шу сабабли, судлар қонун нормалари аналогияси бўйича ушбу моддаларни фуқаролик ишига татбиқ этаётганликларини кўрсатишлари лозим бўлади. Ўз навбатида, ушбу қонунга хусусий уй-жой фондига оид нормалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Х. ҚУРБОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди судьяси**

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ

Давлат божларини ундириш масалаларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида сўнгги пайтларда бир қанча ўзгаришлар содир бўлди.

Аввал давлат божини ундириш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори ҳамда бошқа қонун ва қонуности хужжатлари билан тартибга солиб келинган.

2020 йил 6 январда давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши мақсадида «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун нафақат суд ишларини юритишда, балки нотариал ҳаракатларни амалга оширишда, фуқаролик ҳолати дадолатномаларини қайд этишда ва бошқа соҳаларда давлат божини ундириш масаласини тартибга солувчи асосий хужжат ҳисобланади.

Энди давлат божини ундириш масаласини фуқаролик судлари мисолида кўриб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 127-моддасига кўра, фуқаролик судларида суд ҳаражатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

Қонуннинг 5-моддасида фуқаролик судларида давлат божи ундириш обьектлари рўйхати келтириб ўтилган.

Унга кўра, судларга бериладиган даъво аризаларидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар-

нинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишини тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган шикоятлардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ёки мажбурий ижро этиш учун ижро ва рақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, мазкур ишлар юзасидан қабул қилинган суд ажримлари устидан бериладиган шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалар ва мазкур ишлар юзасидан қабул қилинган суд ажримлари устидан бериладиган шикоятлардан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан хужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун давлат божи ундирилади.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати ушбу Қонун билан белгиланади.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу хужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолади.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой курилиши дастури

ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2282-сонли қарорини (ушбу қарор билан айrim тоифадаги ишлар бўйича «Кишлөк қурилиш инвест» инжинииринг компанияси МЧЖ ва иштирок этувчи тизкорат банклари давлат божи тўловидан озод қилинган) ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 316-моддасини (фуқарони муомала лаёкати чекланган ёки муомала га лаёкатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиши билан боғлиқ суд харажатлари аризачидан ундирилмаслиги қайд этилган) мисол сифатида келтириш мумкин.

Фуқаролик ишларини судларда кўришда, даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарорининг 5-бандига кўра, давлат божи чет эл валютасида ундириб келинган.

Эндиликда, Қонуннинг 17-моддаси билан даъво қиймати чет эл валютасида белгиланса, давлат божининг миқдори харакатлар амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валюта ундирилиши қайд этилди.

Судлар томонидан давлат божи миқдорини аниқлашда, Қонуннинг 19-моддасида қайд этилган, судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ушбу ҳолатларнинг айримларига тўхтабиб ўтсак.

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳукукий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равища ҳукукий ворисдан ундирилади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш кунида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Даъво аризасини қайтаришга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг тақороран бериладиган даъво аризаларига давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат илова қилиниши мумкин.

Амалиётда учраётган яна бир мисол, меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш тўғрисида иш қўрилиб, даъво талаби қаноатлантирилганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддаси талабидан келиб чиқиб, жавобгардан даъвогар фойдасига суд харажатлари ундириб берилади.

Ушбу ҳолатда, суд харажатларини тақсимлашда меросхўрларнинг улушлари инобатга олиниши лозим.

Қонун 19-моддасининг ўн еттинчи қисмига кўра, суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳукуки тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равища ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳукуки тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳукукни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушкини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуси қийматидан келиб чиқсан ҳолда тўланиши лозим.

С. АКБАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Фарғона вилоят суди судьяси

УНДИРУВНИ ҚАРЗДОРНИНГ ГАРОВ МУЛКИГА ҚАРАТИШ БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули ҳисобланган гаров шартномасидаги хуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида»ги, «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатларини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори билан тартибга солинади.

«Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига асосан, ипотека билан таъминланган мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган хукуқ (талаб) шу кредиторнинг ўзи томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи мазкур шартнома бўйича ўз хукуқларини бошқа шахсга қарздорнинг розилигини талаб қилмасдан ўтказишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа шахс фойдасига ўз хукуқларидан воз кечилгандা ипотека билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш хукуки ҳам ўша шахсга ўтади.

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, дастлабки кредиторнинг хукуки шу хукуқ янги кре-

диторга ўтган пайтдаги мавжуд ҳажмда ва шартларда ўтади. Хусусан, мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи ҳукуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳукуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга бўлган хукуқ янги кредиторга ўтади.

Мисол учун, даъвогар – Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят худудий бошкармаси ТИФ Миллий банки манфаатида жавобгарлар – «Everest climb» МЧЖ ва «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖга нисбатан 617 400 000 сўм кредит қарзини ундириш, ундирувни гаров мулкига қартиш, гаров мулкининг бошланғич сотув баҳосини белгилаш ҳамда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилган.

Шунингдек, даъвогар судга даъво талаблари миқдорини кўпайтириш тўғрисида қўшимча даъво аризаси тақдим қилиб, жавобгар – «Everest climb» МЧЖ ҳисобидан 640 773 333 сўм кредит қарзини ундириш, ундирувни жавобгар – «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖга тегишли бўлган гаровдаги мулкка қартиш, гаров мулкини бошланғич сотув баҳосини белгилаш ва кредит шартномасини бекор қилишни сўраган.

Иш хужжатларидан аникланишича, ТИФ Миллий банки Марғилон филиали ва «Everest climb» МЧЖ ўртасида тузилган 2017 йил 11 апрелдаги кредит шартномасига асосан, 2019 йил 11 апрелга қадар қайтариш шарти билан чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБ Марғилон филиали томонидан айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, нефть маҳсулотлари сотиб олиши учун 2016 йил 13 сентябрдаги 484-сонли кредит шартномасига асосан ажратилган

кредит маблағларини 2017 йил 3 мартағи 1-сонли «Талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечиш тұғрисида»ғи келишув шартномасига асосан, ёпік кредит тармоғи орқали 24 ой муддаттағы йиллик 16 фоиз устама фоиз тұлаш шарти билан 600 000 000 сүм миқдорида кредит пул маблағлари ажратылған.

Кредит шартномаси бүйіч кредит маблағларининг банкка ўз вақтида қайтарилишининг таъминоти сифатида 2016 йил 14 сентябрда тузилған ипотека шартномасига асосан, жавобгар – «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖга тегишли Тошлоқ тумани Нилуфар күчасида жойлашған Автобус-такси саройининг бино-иншоотлари гаровга кўйилған. Гаров мулкининг қиймати 750 000 000 сүм миқдорида келишилған.

Жавобгар кредит шартномаси мажбуриятларини бузиб, кредит қарзини ўз вақтида тұламаганлығы оқибатида, 2018 йил 1 май ҳолатига 100 000 000 сүм муддаты үтгандың кредит қарзи юзага келған.

Даъвогар томонидан жавобгар кредит қарзларини амалға ошириши тұғрисида ёзма тартибда огохлантирилған бўлса-да, тўловларни амалға оширгмаган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, даъвогар – ТИФ Миллий банки фойдасига жавобгар – «Everest climb» МЧЖ хисобидан 600 000 000 сүм асосий кредит қарзи, 40 773 333 сүм кредит фоизи ундирилған, ундирув гаров мулкига қаратилиб, тарафлар үртасида тузилған кредит шартномаси беркор қилинған.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖ Фарғона вилоят иқтисодий судига апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, Марғилон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖга тегишли қисмини, яни гаров мулкига қаратиш қисмини беркор қилишни сўраган.

Фарғона вилоят иқтисодий судининг апелляция инстанцияси томонидан «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖнинг апелляция шикояти қаноатлантирилиб, биринчи инстанция су-

дининг ҳал қилув қарори ўзгартырилиб, ҳал қилув қарорининг «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖга тегишли гаровга кўйилған мулкларга қаратиш қисми беркор қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори устидан даъвогар – ТИФ Миллий банки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг назорат инстанциясига шикоят билан мурожаат қилиб, Фарғона вилоят иқтисодий суди апелляция инстанциясининг қарорини беркор қилиб, Марғилон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бүйіч судлов ҳайъати томонидан мазкур иш кўриб чиқилиб, Фарғона вилоят иқтисодий суди апелляция инстанциясининг қарори беркор қилиниб, Марғилон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилған.

Апелляция инстанцияси судининг қарорида, ТИФ Миллий банки Марғилон филиали, «Everest climb» МЧЖ ва «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖ үртасида тузилған «Талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечиш тұғрисида»ғи келишув шартномаси давлат рўйхатидан үтказилмаганлыги сабабли, «Ипотека тұғрисида»ғи Қонуннинг 12-моддасига асосан, шартнома ҳақиқий ҳисобланмаслиги кўрсатилиб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг ундирувни гаров мулкига қаратиш қисмини беркор қилиш тұғрисида холосага келинған.

Фуқаролик кодексининг 313-моддасига кўра, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлған ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга үтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 315-моддасига кўра, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилған бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлған ҳажмда ва шартлар асосида үтади. Хусусан, янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини

таъминлайдиган хукуклар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа хукуклар, шу жумладан, тўланмаган фоизларга хукуқ ҳам ўтади.

«Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига кўра, ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мазкур Қонуннинг 13-моддасига кўра, ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган хукукларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншо-отлар) гарови давлат реестрига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўғрисидаги шартнома асос бўлади.

Қонун асосидаги ипотеканинг вужудга келишига сабаб бўлувчи кредит шартномаси ёки қарз шартномаси қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Кредит шартномаси бўйича кредит маблағларининг банкка ўз вақтида қайтарилишининг таъминоти сифатида 2016 йил 14 сентябрда тузилган ипотека шартномаси Тошлоқ тумани «Ермулккадастр» давлат корхонасининг кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида давлат рўйхатига олинган.

«Ипотека тўғрисида»ги Қонун 13-моддасининг олтинчи қисмiga кўра, ипотека билан таъминланган мажбурият мазмuni навбатдаги ипотека билан ўзгартирилганда, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк хукуки ёки бошқа ашёвий хукуклар бу мол-мулкни ҳақ эвазига ёхуд ҳақ ол-масдан тасарруфдан чиқарилиши натижасида ёки универсал хукукий ворислик тартибида ипотекага қўювчидан бошқа шахсга ўтказилганида ипотека қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги ипотека билан таъминланган мажбуриятда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Мазкур ишда эса, гаровдаги кўчмас мулклар навбатдаги ипотекага олинмаган, айнан бир кредит қарздорлик бўйича дастлабки кредитор талаб қилиш хукукини янги кредиторга ўтказган.

Бундай ҳолатда, ипотека шартномасининг янгидан тузиш ёки қайтадан рўйхатдан ўтказиш қонун хужжатларида назарда тутилмаган. Шунингдек, ТИФ Миллий банки Марғilon филиали, «Everest climb» МЧЖ ва «Тошлоқ йўловчи транс» МЧЖ ўртасида тузилган «Талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида»ги келишув шартномасида талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган шахс деб ҳисобланган чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» ушбу шартномада тараф сифатида иштирок этмаган.

Фуқаролик кодексининг 316-моддасига кўра, ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредитор талаб қилиш хукукини тасдиқловчи хужжатларни унга бериши ва талабни амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдириши керак.

Ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» талаб қилиш хукукини тасдиқловчи барча хужжатларни янги кредитор ТИФ Миллий банки Марғilon филиалига тақдим қилган.

Дастлабки кредитор чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш хукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечган.

Қонун хужжатларига мувофиқ, ипотека ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилганилиги сабабли, кредит шартномаси бўйича талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечилганда, янги ипотека шартномаси тузиш ёки ушбу ипотекага берилган мулкларни бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш ҳақида келишув ёки шартнома тузиш талаб этилмайди.

**Г. ХОЛМАТОВА,
мустакил изланувчи**

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳар қандай давлат ёки жамиятда юритиладиган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат ўзаро боғлиқ бўлиб, бунда иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади ушбу жамиятда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, яъни ижтимоий соҳага хизмат қилишдан иборатdir ва шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу икки омил ўртасидаги мувозанатни, уларнинг ўзаро тўғри нисбатининг белгиланиши жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда охирги йилларда барча соҳалар каби пенсия таъминоти тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, амалга оширилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда пенсионерларнинг пенсия ва нафақалари нақд пулда тўланиши, ишловчи пенсионерларга тўлиқ пенсия тўловлари амалга оширилаётганилиги, тайинлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сонининг кескин қисқартирилганлиги, озодликдан маҳрум бўлган пенсионерларга пенсия тўловларини белгиланган тарзда амалга оширилиши каби бир қанча қулайликлар яратилди.

Эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳозирги кунга қадар давлат пенсия таъминоти тизимида айрим муаммолар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жумладан:

- пенсия тайинлашга зарур бўладиган ҳужжатларнинг архив идораларидан тоғилмаслиги;
- фаолияти тутатилган корхона ва ташки-

лотлар томонидан фуқароларнинг иш ҳақи ва иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар архив идораларига белгиланган тартибда тоғирилмаслиги оқибатида фуқаролар пенсия тайинлашда турли хил қийинчиликларга дуч келиши кузатилмоқда.

Бу эса, бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ижтимоий тамойилларини амалга ошириш, хусусан архив идоралари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, марказлашган электрон маълумотлар базасини яратиш, архив соҳасидаги хизматлар кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлашга йўналтирилган аҳолига хизмат кўрсатувчи давлат ва нодавлат архив идоралари фаолиятининг ролини кучайтириш бўйича тегишли хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишини талаб этмоқда.

Хозирда ушбу муаммоларни бартараф қилишга оид кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ушбу ислоҳотлар асосида фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга оид бўлган конституциявий хуқукларини янада кенгайтириш, уларнинг кафолатларини мустаҳкамлаш орқали берилаётган моддий ҳамда ижтимоий ёрдамларни микдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш, архивларнинг марказлашган электрон маълумотлар базасини яратиш, ажратилаётган молиявий ресурслардан тежаб, ўринли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, ҳаёт даражасини ўсиши билан мутаносиб равишда пенсия

ва нафақа олувчи шахсларнинг ҳам моддий турмуш шароитларини янада яхшиланиб борилишига эришиш мақсадлари назарда тутилади.

Ижтимоий соҳада қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши, амалий ишларнинг хаётга татбиқ этилиши, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари мустаҳкамланиши бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий нафақа тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, пенсия ва нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чикиш ва уларни белгилашда очик ва адолатли тизим яратиш бўйича белгилаб берилган вазифалар, фуқароларнинг келажакдаги ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005 – 2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизи-

мига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 – 2018 йиллар даври учун Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишининг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланиш бўйича механизм жорий этилиши қатъий белгилаб берилди.

Давлат дастуридаги пенсия таъминотига оид белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган пенсия тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чикиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу концепцияда амалдаги муаммолар ва уларнинг ечими борасида аниқ масалаларни белгилаш орқали келажакда фуқароларга пенсия тайинлаш учун фақат электрон шаклда мурожаат қилишларига имконият яратиш лозим.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
ижтимоий статистика
бўйича раис ўринбосари,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, жумладан, пенсия тайинлаш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тақдим этишининг электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг бир маромда фолиият юритишини тизимли таъминлаш бўйича асосий ислоҳотлар мазмуни ва пенсия таъминоти ҳуқуқининг асослари ҳамда уларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ёритиб берилган.

Калим сўзлар: ижтимоий ҳимоя, Пенсия жамғармаси, пенсия таъминоти, архивларнинг марказлашган электрон маълумотлар базаси, иш стажи, ижтимоий соҳа ва суғурта бадаллари.

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ БОШҚАРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙ-ҲАРАКАТЛАР

Миграция жараёнлари борган сари халқаро муносабатларнинг ажралмас қисмига айланниб бораёттири. Бунинг натижасида дунё ҳамжамияти томонидан бундай жараёнларни тартибга солиш, бошқариш ва назорат қилиш мақсадида халқаро миграция сиёсати ҳамда халқаро қонунчилик шаклланиб бормоқда. Шу билан бирга ўтган давр мобайнида мигрантларни кўплаб қабул қилган давлатлар гурӯҳи шаклланган бўлиб, уларнинг тажрибаси мазкур ҳукуқий нормаларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этаяти.

Бугунги глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида миграция оқимининг йилдан-йилга ошиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, БМТ ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича департаментининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича 258 миллиондан ортиқ мигрант бор. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортган¹.

Ҳозирда Жазоир, Бангладеш, Кипр, Доминика Республикаси, Миср, Греция, Индонезия, Ирландия, Колумбия, Жанубий Корея, Ливан, Лесото, Мексика, Марокаш, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Судан, Сурия, Таиланд, Филиппин, Тунис, Туркия, Уругвай, Польша, Португалия, Шри-Ланка, Яман, собиқ Югославия давлатлари ва яна бир қатор Шарқий Европа мамлакатлари дунёдаги энг асосий меҳнат мигрантларини экспорт қиласидан давлатлар саналади.

Сўнгги йилларда меҳнат мигрантларини экспорт қилувчи давлатлар олдида турган муаммолардан бири ўз фуқароларининг бошқа мамлакатларда мослашуви ва уларга ташки кучларнинг салбий таъсири олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий ҳимояни таъминлаш муаммосидир. Ушбу муаммоларни ҳал этишда меҳнат мигрантларини экспорт қилувчи бир

қатор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий томонларини мамлакатимизга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда қуйида айrim «экспортёр» давлатлар тажрибасини ҳам кўриб чиқиши лозим топдик.

Туркиядаги миграция оқимини икки хил кўринишда ифодалаш мумкин. Ундаги иммиграция ва эммиграция бошқа давлатларга қараганда бир мунча тартибга солинган ва мураккаб ҳодисадир. Шундан келиб чиқиб, саноати ривожланган давлатлар доирасида – Туркия ўзининг юкори саноат ютуқларига эга бўлишига қарамасдан, Европа меҳнат бозорида ўзининг кўп ва малакали меҳнат мигрантлари билан ўз ўрнига эга².

Туркия XX асрнинг 90-йиллари бошида асосий эммиграция давлати сифатида тарихда қолган. Бунинг сабаби, ҳукумат томонидан ишчи кучи экспортини қўллаб-қувватловчи қонунчилик базаси билан бир қаторда ушбу ҳужжатлар асосида эммиграцияни тартибга солувчи ва қўмаклашувчи бир қатор институтларнинг яратилганлигидир. Туркияning миграция жараёнларини тартибга солишида бош қомуси ҳисобланган Конституциядан бошлиш лозим. Фуқароларнинг эркин тартибда чет элга чиқиши ҳукуқлари шахсий эркинлик сифатида 1961 йил қабул қилинган Туркия Конституциясида муҳрлаб қўйилган. Бугунги кунда Туркия Республикасида ички ва ташки миграция жараёнларини тартибга солиши 10 дан ортиқ давлатлар билан имзоланган икки томонлама шартномалар, ишчи кучини алмашиб тўғрисидаги келишувлар ва ҳукумат томонидан ратификация қилинган бир нечта универсал халқаро шартномаларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу борада 1959 – 2015 йиллар оралиғида

Туркия ҳукумати томонидан 25 та давлат билан ижтимоий хавфсизликни таъминлашга доир икки томонлама шартномалар, 13 та давлат билан эса, ишчи кучини тартибга солиш бўйича келишувлар ва 59 та меҳнат ва ишчи кучини тартибга солиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу давлатда миграция сиёсати ижтимоий хавфсизлик тизимиning асосий бўғини ҳисобланиб, мазкур фаолиятни тартибга солиш мақсадида қонун чиқарувчи орган томонидан 15 дан ортиқ қонун, ҳукумат томонидан 35 дан ортиқ қарор ва қўшма хужжатлар имзоланган. Расмий Анқаранинг миграция сиёсатини юритиш функциясини Меҳнат ва ижтимоий хавфсизлик вазирлиги амалга оширади.

Бундан ташқари, мамлакатдан хорижий давлатларга ишлаш мақсадида чиқиб кетаётган фуқароларнинг ҳисобини юритиш ва ишга жойлашишларига ёрдамлашиш мақсадида вазирлик таркибида Меҳнат маълумотлари статистикаси тизими, Ижтимоий хавфсизлик институти ҳамда Вазирлик статистик маълумотларини умумлаштириш бошқармаси ташкил этилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, расмий Анқара туркиялик фуқароларни хориждаги мослашув жараёнларига ўз расмий кўмагини бериб, ижтимоий интеграция муаммоларини бартараф этишга катта аҳамият қаратади. Жумладан, 2010 йилнинг 24 март куни ҳукумат томонидан «Хорижда яшаётган турклар ва уларнинг бошқарувчиларининг вазифалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилингач, Хориждаги турклар масалалари вазирлиги ташкил қилинди. Бундан ташқари ҳукумат томонидан 15 та давлатдаги Туркия консуллик идораларида миграция бўйича маслаҳатчи ва 85 та давлатда миграция бўйича атташе лавозимлари ташкил этилган.

Филиппин эса, ишчи кучини экспорт қилиш бўйича дунёда Хитой, Ҳиндистон ва Мексикадан кейин тўртинчи ўринда туради. Ҳозирда мамлакатдан ҳар йили 3,5 миллионга яқин киши вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида чет злга чиқиб кетмоқда. XX асрнинг охирларида Филиппин «иқтисодий дипломатиясининг» марказий ва-

зифаларидан бири ишчи кучининг хорижга экспортини кенгайтириш бўлди. Шу боис, ҳозирда 7,6 миллион Филиппин фуқаролари дунёнинг 90 дан ортиқ давлатларида меҳнат мигранти сифатида фаолият олиб бормоқда. 1970 йилдан бошлаб Фердинанд Маркос ҳукумати меҳнат миграциясини бошқаришни таъминлаш ва ишчи кучини расмий равишида экспорт қилиш сиёсатини амалга ошира бошлади. Ушбу сиёсат натижасида мамлакат ишсизлик ва ижтимоий босим сингари муаммоларни ҳал этишга эришиб, мамлакаттга катта миқдорда валюта кириб келишини таъминлади. 1974 йил Меҳнат тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, ишчи кучини экспорт қилиш қонунийлаштирилди.

Филиппин хорижда иш билан таъминлаш бошқармаси биринчи бошқарма бўлиб, унинг асосий функцияси меҳнат мигрантларини чет элда ишга жойлаштириш, лицензия бериш, ишга ёллаш тузилмаларини назорат қилиш ва иқтисодиётда ишга ёллашда воситачилик тизимини жорий қилиш ҳисобланади. Филиппин хорижда иш билан таъминлаш бошқармаси 1982 йилда мамлакат Президентининг 797-сонли фармони асосида хорижда ишлашни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш ҳамда меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастурга мувофиқ, меҳнат мигрантларининг ишга ёллашиш, мамлакатга кириб-чиқиши, хужжатларни расмийлаштириш, маошини ўз вақтида олиш, ишга ёллаш агентликлари ва иш берувчилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳукумат даражасида ёрдам берилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай чет эллик иш берувчи Филиппин фуқароларини ишга ёллашдан олдин ўзларининг қонуний фаолиятлари тўғрисида бошқарма ва унинг бўлимларига хужжат тақдим қилганидан сўнг шартнома имзоланади.

Ҳозирги пайтда, Филиппин ҳукумати миграция йўналишида дунёнинг 12 та мамлакати билан икки томонлама келишувлар имзолаган. Ушбу келишувларнинг аксарияти аниқ йўналишлар бўйича имзоланган. Ҳусусан, Швейцария билан қисқа муддат фаолият олиб борувчи малакали техник мутахассисларни алмаштириш, Буюк Британия ва Норвегия билан филиппинлик соғлиқни сақлаш

ходимларини ишга жалб этиш тўғрисидаги келишувлар асосида мутахассислар жўнатилмоқда. Тайвань билан эса, ишга ёллаш агентликларининг воситачилигисиз филиппинлик ишчиларни ишга олиш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилган. Шунингдек, дунёning турли минтақаларида шартнома асосида меҳнат қилаётган фуқаролари орқали ҳар йили мамлакат иқтисодиёти катта микдорда пул жўнатмаларини қабул қилмоқда. Жумладан, 2008 йилда Филиппинлик меҳнат мигрантлари ўз давлатига 14,5 миллиард АҚШ доллари микдорида пул маблағини жўнатишган бўлса, 2013 йилда эса, ушбу кўрсаткич 26 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Мазкур маблағлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10,3 фоизини ташкил этмоқда. Юкоридаги рақамлардан кўриниб турибди-ки, Филиппин ялпи ички маҳсулоти ҳажмида ишчи кучи экспорти аҳамиятли ўрин тутади.

Бундан ташқари, мамлакатда меҳнат мигрантлари хорижий мамлакатларга ишга боришида хукumat каналлари билан бир қаторда ноҳукумат ва хусусий агентликлар хизматларидан ҳам фойдаланишади. Ушбу агентликлар доимий равишда хориждаги меҳнат бозорларининг ҳолатини ўрганиб боришиди ва фуқароларга керакли маслаҳатларни беришади. Филиппинда бугунги кунда маҳсус лицензия асосида хорижий давлатларга ишлаш учун фуқароларни юборадиган 1351 та ана шундай хусусий агентликлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда дунёning 32 та мамлакатидаги Филиппин элчихонаси ва консуликларида меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича 45 та вакил фаолият олиб боради. Давлат эса, ҳар йили ушбу тадбирлар учун элчихоналарга кўшимча 40 миллион АҚШ доллари микдорида маблағ ажратиб келмоқда.

Юртимизда эса, ташқи меҳнат миграциясини бошқариш механизмини кўриб чиқишдан аввал унинг сабабларини ўрганиш мақсадга мувофиқdir. Яъни, ўрганишлар натижасида ҳозирги пайтда бундай сабабларнинг учта асосийини келтириш мумкин:

биринчиси, собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг бошқа миллат вакиллари, хусусан, рус, яхудий, украин, немис ва бошқаларнинг тарихий ватанларига қайтиши;

иккинчиси, хукumat қўллаб-куватлаши натижасида талаба ёшларнинг нуфузли олийгоҳларга ўқишга, устоз-мураббийларнинг эса, малака ошириш учун чет элда бўлишлари;

учинчиси, фуқароларнинг ишсизлик туфайли ва нисбатан кўпроқ даромад топиш мақсадида хориж мамлакатларига (биринчи навбатда, Россия, Қозогистон ва Жанубий Кореяга) бориб ишлаши.

Ушбу сабабларни келтириб чиқарувчи омилларга юртимиздан хорижий мамлакатларга меҳнат қилиш мақсадида кетаётган фуқароларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигига таъсир қилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-хуқуқий, географик, этномаданий ва бошқа омиллар киради. Айниқса, улар ичida иқтисодий ва ижтимоий омиллар юкори туради.

Шу билан бирга ижтимоий хавфсизлик контекстида мамлакатдаги ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш механизмининг сустлиги натижасида юзага келаётган қуйидаги асосий муаммоларни кўрсатиш мумкин:

1. Юксак малакали мутахассислар, аксарият ҳолларда, ёш кадрларнинг чиқиб кетиши (интеллектуал миграция);

2. Хорижда ишлаётган фуқароларимиз хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус ташкилотнинг йўқлиги (шу соҳа бўйича маъсул атташелардан ташқари);

3. Ташқи миграцияни тартибга солиш ва бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Юкоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз ўзининг миллий қонунчилигига ишчи мигрантларнинг хукуқларини таъминлаш учун асос яратувчи универсал қонун-қоидаларни акс эттирган ҳолда 1992 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг инсон хукуқларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган кўплаб конвенцияларига кўшилган.

Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида эса, 1994 йил 8 июлда Қозогистон ва Кирғизистон республикалари билан «Миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Меморандум имзоланган. Ушбу ҳужжатнинг ижро этилиши учун 1997 йил март ойида «Миграция соҳасида ҳамкорлик дастури» қабул қилинган. Бундан

ташқари, ҳукумат томонидан меҳнат миграцияси соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик доирасида Жанубий Корея Республикаси ва Россия Федерацияси билан биргаликда 5 дан ортиқ шартномага имзо чекилди. Эндиликда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш мақсадида мамлакатимиз Меҳнат вазирлигининг фаолияти такомиллаштирилиб борилмоқда. Шунингдек, ушбу вазирлик давлат бошқарувининг меҳнат, бандлик, ахолининг ижтимоий муҳофазаси ва ижтимоий таъминоти соҳаларидаги марказий орган хисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹ги 75-сонли қарорига биноан, республика ва чет эл меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солиниши ва назорат килиниши масалаларининг ечими бевосита Меҳнат вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик зиммасига юклатилган. Ҳозирги кунда у юртимиз фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш ваколатига эга ягона орган хисобланади. Ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги 305-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонун хужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Тошкент, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларида жойлашган Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик хисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳукуқига эгалиги

қатъий белгилаб кўйилган. Аммо, давлатимизнинг мазкур соҳадаги ҳукуқий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ тадбирлари қониқарли бўлиши билан бир қаторда, ташқи меҳнат миграциясини бошқаришнинг ташкилий институционал жиҳатида муаммолар ҳамон учрамоқда. Бу эса, бевосита Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг фаолияти ва уни бошқа органлар билан ҳамкорлигининг самарасизлиги билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, давлатларнинг ижтимоий хавфсизлигига ташқи меҳнат мигрантларининг салбий таъсири бевосита уларнинг хорижда ҳимоясиз қолиши ва ҳукуматга нисбатан норози кайфиятининг юзага келиши билан боғлиқ саналади. Шуни таъкидлаш жоизки, Туркияning ўз меҳнат мигрантлари ҳукуқларини ҳалқаро шартномалар асосида химоялаш тизими ва ҳукумат таркибида алоҳида мигрантлар ҳукуқини ҳимоя қилувчи вазирлик ёки идорани ташкил этилганлиги, Филиппининг эса, ишчи кучи экспортини ўз норматив ҳужжатларида қайд этиб, уларга чет элларда иш топиш ва ижтимоий мослашиш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш тажрибасини чуқур ўрганиб, бизнинг мамлакатимизда ҳам миграция жараёнларини тартибга солишда ижобий ва самарали натижаларга эришиш мумкин. Чунки, барча меҳнат мигрантлари ўзларининг давлат томонидан ҳукуқлари ҳимоя қилиниб, руҳан ва моддий кўллаб турилганлигини ҳис этган ҳолда меҳнат қўлсалар, ҳар қандай ташқи таъсиrlарга қарши руҳий-психологик тўсқинлик кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

М. САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Бирлашган таҳририяти мухбири,
катта лейтенант,
мустақил тадқиқотчи

¹ БМТнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича департаментининг 2018 йил декабрь оидаги маълумоти.

² [http://www.google.co.uz/Turkiyada mehnat migratsiyasi](http://www.google.co.uz/Turkiyada_mehnat_migratsiyasi).

³ «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»²ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарори. <http://www.lex.uz>.

Хурматли Акбар Абдуллаевич!

Сизни ҳаётингиздаги унуглилар улуғ айём, таваллуд кунингиз – 60 ёшингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.

Сиз суд тизимидағи фаолиятингизни 1977 йилда Бухоро шаҳар судининг суд мажлиси котиби лавозимидан бошлаб, 1983-1996 йилларда Бухоро вилоят ички ишлар бошқармасининг инспектори, катта инспектори, катта референти лавозимларида фаолият юритдингиз. 1996-2008 йилларда Термиз ҳарбий судининг, Бухоро вилоят хўжалик судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси лавозимларида самарали ишладингиз. 2019 йилдан эса Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьяси сифатида шарафли вазифани адо этишда куч-ғайратингизни аямай келаяпсиз.

Бутунги кунда юртимиз суд-хуқуқ соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни чуқур ҳис қилган ҳолда зиммангизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажариб келаётганингиз эътиборга сазовордир.

Камтарлик, меҳнатсеварлик, талабчанлик сингари инсоний фазилатларингиз ҳақли равишда Сизга жамиятимизда обрў-эътибор ва хурмат келтириди.

Сиз ҳамиша ёшларга муносиб устоз бўлишга интилдингиз ва бунга тўла эришдингиз.

Муҳтарам Акбар Абдуллаевич, шу кутлуг ёшингизда сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб яшашдек буюк баҳт насиб этишини тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси

*Хурматли Муталиф Курбонович!*

Аввало, Сизни улуғ айём, таваллуд кунингизнинг 60 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Сизнинг мамлакатимизда суд-хуқуқ ислоҳотларини олиб борилиши ва уни ҳалқимизга етказиб берилишидаги журналистик фаолиятингиз таҳсинга сазовор.

Сиз 1984-1996 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида мухбир, «Саодат» журналида масъул котиб лавозимларида ишладингиз. 1996 йилдан бошлаб «Хўжалик ва хуқуқ» – «Хозяйство и право» журналида, бугунги кунда «Одил судлов» – «Правосудие» журналида масъул котиб лавозимида фаолият юритмоқдасиз. Сиз бу касбни беҳуда танламаганингизни, балки шу соҳанинг жонкуяри эканлигинингизни намойиш этдингиз.

Сиз матбуот соҳасида иш бошлаганингиздан бўён турли мавзуларда қалам тебратиб, ажойиб ижодий муваффақиятларга эришдингиз. Серқира ижодингизнинг маҳсули бўлган «Қалдиргочлар», «Бу кўзлар» номли ҳикоялар тўпламингиз, «Ёлғиз гулим» номли шеърий китобингиз мухлислар томонидан севиб ўқилмоқда. Республика матбуотида шеър, ҳикоя ва мақолаларингиз чоп этиб борилмоқда.

Хурматли Муталиф Курбонович! Сизни камтарин ва самимий инсон, ижодкор, ўз касбининг тажрибали мутахассиси сифатида қадрлаймиз.

Туғилган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати билан табриклар эканмиз, Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оиласигизга баҳт-саодат, шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси